

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

47-сон
(1223)
2025 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

711. «Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги ПФ–217-сон Фармони
712. «Ўзбекистон Республикасида уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги ПФ–219-сон Фармони
713. «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш механизминини самарали ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ–223-сон Фармони
714. «Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ–224-сон Фармони

715. «Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги ПҚ–343-сон қарори
716. «Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги ПҚ–347-сон қарори
717. «Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги ПҚ–348-сон қарори
718. «Бутунжаҳон туризм ташкилоти шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 ноябрдаги ПҚ–350-сон қарори

Учинчи бўлим

719. «Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 ноябрдаги 727-сон қарори
720. «Дафн этиш ишларини ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада самарали назорат қилиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 ноябрдаги 735-сон қарори
721. «Фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 ноябрдаги 737-сон қарори

Бешинчи бўлим

722. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 4-noyabrdagi 507-son, Soliq qo'mitasining 2025-yil 22-oktabrdagi 2025-23-son, Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 29-oktabrdagi 364-B-1-son "Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3577-1*)

723. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 7-noyabrdagi 30/1-son "Banklarning depozit (omonat) sertifikatlarini chiqarish va muomalada bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 19-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1859-6*)
724. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 2-son "Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3706*)
725. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 21-noyabrdagi 25-mh-son "Davlat xizmatlari yagona reyestrini yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3707*)
726. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 15-son "Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3708*)
727. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 7-noyabrdagi 301-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2025-yil 30-oktabrdagi 01/09-2-14/48-son "Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish va aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarishda ishtirok etish maxsus huquqi ("oltin aksiya") bo'yicha davlat vakillarining xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2263-3*)
728. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 11-noyabrdagi 443-son "Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag'larni taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2431-5*)
729. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-noyabrdagi 27/10-son "O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki

boshqaruvi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3709*)

730. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 15-noyabrdagi 652-son "O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining ixtisoslashtirilgan maktab-internatiga o'quvchilarni o'qishga qabul qilish uchun tanlovlar o'tkazish va ularning hujjatlarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3089-2*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

711 Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларида белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, шунингдек, мазкур йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Бошқарув тизимини такомиллаштириш

1. Қўйидагилар:

(а) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси сифатида қайта ташкил этилсин;

(б) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси тизимидан чиқарилиб, унинг негизида амалдаги штат бирликлари сақланган ҳолда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси (кейинги ўринларда — Экология қўмитаси) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

(а) Экология қўмитаси қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, ўрмонларни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва чўлланишга қарши курашиш соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ташкилий тузилмасида 2 та штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаси ташкил этилади;

(в) Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳамда Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятини Экология қўмитаси ҳузурида давом эттиради.

3. Белгилаб қўйилсинки, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг асосий вазифаларидан ташқари, Экология

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

қўмитаси 1-иловага мувофиқ қуйидаги умуммиллий лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул ҳисобланади:

(а) чиқиндиларни қайта ишлаш ва улар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган «Чиқиндидан ҳоли ҳудуд» умуммиллий лойиҳаси;

(б) атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳаси;

(в) 2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қўшимча равишда жами майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил қилишга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси;

(г) аҳоли орасида эко-одатларни шакллантириш ва экологик ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган «Эко-маданият» умуммиллий лойиҳаси;

(д) биохилма-хилликни келажак авлод учун асрашга қаратилган «Био мерос» умуммиллий лойиҳаси.

4. Экология қўмитаси ҳузурида 15 нафаргача хорижий ва маҳаллий экспертларни фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилган ҳолда экология соҳасидаги «Эколойиҳалар фабрикаси» (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) ташкил этилсин.

II. Экологик назоратни кучайтириш

5. Белгилансинки, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб 2-иловага мувофиқ экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш тартиби жорий этилади, бунда:

(а) молиявий санкциялар пул ундириш (жарималар) тарзида фақат юридик шахсларга қўлланади;

(б) бир хил ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланган юридик шахсларнинг ходимларига маъмурий жазо чорасини қўллашга йўл қўйилмайди;

(в) ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш олиш ҳамда жаримани тўлаш экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсни Экология қўмитасининг қарорини (тақдимномасини, кўрсатмасини) бажариш ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

6. Қуйидагилар негизида алоҳида юридик шахс бўлмаган Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Давлат экологик назорат инспекцияси (Экополиция) (кейинги ўринларда — Экополиция) ташкил этилсин:

(а) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Давлат экологик назорат инспекцияси;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий махсус прокуратуралар;

(в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжали-

ги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишидаги бўлинмаларининг оптималлаштириладиган штат бирликлари.

7. Белгилансинки:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларига экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ажратилган 40 та штат бирлиги Экополицияга ўтказилади;

(б) Экополиция Экология қўмитасининг экологик хавфсизликни таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус бўлинмасидир;

(в) Экология қўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида Экополиция бошлиғи ҳисобланади;

(г) Экополиция бошлиғининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Экология қўмитаси раиси ўринбосари ҳисобланади ва Экополициянинг тезкор штабига раҳбарлик қилади;

(д) Экополицияга унинг ҳудудий бўлинмаларини маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олмаган ҳолда табиий экологик ҳудудлар чегаралари доирасида ташкил этишга рухсат этилади.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Экология қўмитаси қуйидагилар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот киритиб борсин:

(а) йирик корхона ва тармоқлар томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар, улар ва уларнинг мансбдор шахсларига нисбатан қўрилган чоралар;

(б) соҳадаги масъул бошқарув ва назорат органларининг ўз вазифаларини сифатли ва ўз вақтида бажариши ҳолати;

(в) давлат органларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига зид бўлган қарорларини бекор қилиш.

9. Экология қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик шахсларга молиявий санкцияларни жорий этиш ва уларни қўллашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. Экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармон талабларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 ноябрь,
ПФ–217-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги
ПФ–217-сон Фармони
1-ИЛОВА

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
соҳасидаги умуммиллий лойиҳаларнинг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. «Чиқиндидан ҳоли ҳудуд» умуммиллий лойиҳаси доирасида:
 - (а) республиканинг барча ҳудудларини қамраб оладиган чиқиндиларни ёқиб, электр энергия ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш;
 - (б) тиббиёт ва хавфли чиқиндиларни хавфсиз ва тўлақонли утилизация қилиш тизимини яратиш;
 - (в) чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича юридик шахслар масъулиятини ошириш;
 - (г) чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати сифатини ошириш ва аҳоли талабларига мослаштириш, шу жумладан, техника ва контейнерлар сонини тубдан ошириш;
 - (д) полигонларни рекултивация қилиш ва улар сонини кескин камайтириш;
 - (ж) қайта юклаш станциялари фаолиятини йўлга қўйиш.
2. «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳаси доирасида:
 - (а) марказий ва саноатга ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларнинг ҳаво сифатини яхшилаш;
 - (б) ҳаво сифати сурункали бузилаётган туман (шаҳар)да алоҳида махсус назорат тизимини жорий қилиш;
 - (в) саноат корхоналари томонидан автоматик мониторинг станциялари, чанг-газ тозалаш ускуналари ва сув тозалаш иншоотларининг ўрнатилишини таъминлаш;
 - (г) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши кузатувларининг давлат тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш;
 - (д) ташламаларнинг умумий ҳажмини камайтириш.
3. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига қуйидаги қўшимча вазифаларни киритиш:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қўшимча равишда жами майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил қилиш;

(б) ҳар бир шаҳар ва туманда камида 2 тадан сояли сайр кўчаларини ташкил қилиш.

4. «Эко-маданият» умуммиллий лойиҳаси доирасида:

(а) мактабгача таълимнинг энг асосий самарадорлик кўрсаткичи сифатида болаларда эко-одатларни шакллантириш;

(б) болалар орасида экологик ҳаёт тарзини ташвиқот қилиш учун эко-контент базасини шакллантириш (бунда мультфильм, роликлар, қисқа метражли фильмлар яратиш, блоглар юритиш);

(в) Эковолонтерлар миллий тармоғини яратиш ҳамда мактабларда ташаббускор мактаб ўқувчиларини тақдирлаш мақсадида уч даражали эко-аълочилар кўкрак нишонини жорий қилиш;

(г) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эко-оромгоҳлар ташкил қилиш. Бунда эко-аълочиларнинг оромгоҳларда имтиёзли равишда дам олишини ташкиллаштириш;

(д) ўқувчилар ва талабаларнинг стартап лойиҳалари учун мини-грантлар ажратиб бориш;

(ж) экологик краудфандинг фаолиятига ҳуқуқий мақом бериш ва қўллаб-қувватлаш;

(з) ҳар бир маҳаллада жамоатчилик экология назоратчиси тизимини жорий қилиш, бунда улар иштирокида амалга оширилган маъмурий жариманинг ўн фоиз миқдоридаги маблағларни жамоатчилик экология назоратчисини рағбатлантиришга йўналтириш;

(и) «Экофаол», «Яшил тадбиркор» платформаларини жорий қилиш.

5. «Био мерос» умуммиллий лойиҳаси доирасида:

(а) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш ва уларнинг ҳудудларини кенгайтириш;

(б) камёб ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турлари бўйича алоҳида питомниклар ташкил қилиш ҳамда уларни қайта тиклаш (реинтродукция) чора-тадбирларини амалга ошириш;

(в) биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш, шу жумладан, биологик хилма-хиллик ва экотизим хизматларининг қийматини иқтисодий баҳолаш механизмларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги
ПФ–217-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан
фойдаланиш соҳасида юридик шахсларга нисбатан молиявий
санкциялар жорий қилинадиган қонун бузарлик ҳолатлари
РЎЙХАТИ**

1. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш.
2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш.
3. Дарахтлар ва буталарни ғайриқонуний равишда кесиш, йўқ қилиш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслик.
4. Ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш.
5. Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик.
6. Ёқилғи, моддалар, материал ва чиқиндиларни ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик.
7. Чиқиндилар билан муомалада бўлишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

712 Ўзбекистон Республикасида уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Уй-жой соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш, уй-жой қурилиши ва уни сотиб олишнинг мувозанатлашган тизимини шакллантириш, мавжуд талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда уй-жой қурилиши ҳажминини белгилаш ва соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, шунингдек, барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли сонининг ортиб бориши ва урбанизация жараёнларидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро учун қулай яшаш шароитларини яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Ушбу Фармоннинг асосий мақсади этиб Уй-жой соҳасини барқарор ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, 2040 йилга қадар ҳар йили қуриладиган уй-жойлар сонини икки бараварга ошириб, 421 мингтага олиб чиқиш, ипотека кредити портфелини 10 баравардан ортиқ кўпайтирган ҳолда 56,7 млрд АҚШ долларига етказиш белгилансин.

2. Қуйидагилар уй-жой соҳасини барқарор ва мувозанатли ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) йирик агломерацияларда уй-жой фондининг ўсиши ва шаҳар муҳитини ривожлантиришни таъминлаган ҳолда урбанизация жараёнларини қўллаб-қувватлаш;

(б) аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш ва «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш ишларини изчил давом эттирган ҳолда уй-жой фондида замонавий уй-жойлар улушини 2040 йилга қадар 50 фоизга етказиш;

(в) уй-жой бозорига банк молияси ва институционал инвесторлар маблағларини, шу жумладан, ипотека кредитидан фойдаланган ҳолда жалб этиш;

(г) улушли қурилишга сармоя киритаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

(д) уй-жой қурилиши соҳасини «Уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли» тамойили асосида комплекс ислоҳ қилиш ва уни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш.

II. Дастурий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари

3. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикасида 2040 йилгача бўлган даврда уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда — асосий йўналишлар) 1-иловага мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

(б) Ўзбекистон Республикасида 2040 йилгача бўлган даврда уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ;

(в) Ўзбекистон Республикасида 2040 йилгача бўлган даврда уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, Асосий йўналишлар урбанизация, уй-жой ва ипотека бозорини 2040 йилгача ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг асоси бўлиб, ушбу соҳада ишлаб чиқиладиган барча янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ бўлиши лозим.

5. Куриб битказилмаган уй-жойлар ҳамда саноат ҳудудларини биринчи навбатда қурилишга жалб этишни, шунингдек, экологик тоза маҳсулотлар ҳамда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда уй-жой массивларининг муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини олдиндан барпо этишни назарда тутадиган комплекс қурилиш тамойили асосида уй-жойлар қурилишини ташкил этиш тартиби жорий этилсин.

6. Белгилансинки, комплекс қурилиш тамойили доирасида қуйидагилар таъминланади:

(а) комплекс қурилиш дастурларини фақат очик ва батафсил ишлаб чиқилган режалар асосида тайёрлаш;

(б) комплекс қурилиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш дастурларига киритиш ёки бошқа лойиҳаларга жалб этиш ҳамда уларнинг мақсадли йўналишини ўзгартиришга йўл қўймаслик;

(в) комплекс қурилиш лойиҳаларига киритиладиган ер участкалари, кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ҳуқуқ эгалари тўғрисида тўлиқ маълумотларни тақдим этиш;

(г) лойиҳаларни амалга оширишда ҳудудларнинг келгусидаги ижтимоий эҳтиёжларини инобатга олувчи комплекс ёндашувдан фойдаланиш;

(д) кўчмас мулк объекти эгасининг у жойлашган ер участкасига ижара ёки мулк ҳуқуқида эгалик қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқини кафолатлаш.

III. Амалий ва институционал чора-тадбирлар

7. Ўзбекистон Республикасида урбанизация, уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 4-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

8. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида урбанизация, уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) аҳоли учун уй-жойга эга бўлиш имкониятини ошириш;

(б) уй-жой қурилишида реновация асосида қуриладиган уйлар улушини босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни турар жой билан таъминлаш;

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) ортиқча уй-жой қурилиши ёки унинг етишмаслигининг олдини олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси (кейинги ўринларда — Миллий қўмита) ташкил этилсин.

10. Белгилансинки Миллий қўмита:

(а) урбанизация жараёнлари, уй-жой қурилиши, реновация ва ипотека соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, ушбу йўналишдаги дастурларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

(б) ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси билан узвий ҳамкорликда ташкил этади ва амалга оширади. Бунда Вазирлар Маҳкамаси урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш, уй-жой қурилиши, реновация ва ипотека дастурларини ҳамда самарали давлат уй-жой сиёсатини амалга оширишда Миллий қўмитага ҳар томонлама қўмаклашади.

11. Қуйидагилар Миллий қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) урбанизация жараёнларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш;

(б) самарали ва барқарор уй-жой сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

(в) реновация дастурларини самарали амалга оширишни таъминлаш;

(г) «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ишларини мувофиқлаштириш, шу жумладан, ҳудудларни танлашда қонунчилик билан белгиланган мезонлар ва урбанизация тамойилларига риоя этилишини таъминлаш.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Миллий қўмита тизимида ўтказилсин.

13. Адлия вазирлиги Миллий қўмита, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

(а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

(б) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

(в) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) бир ой муддатда Миллий қўмитанинг фаолиятини ташкил этиш учун талаб қилинадиган маблағларни 2025 йилда ажратсин. Бунда Миллий қўмитани мебель, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун маблағ ажратилишини назарда тутсин;

(б) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Миллий қўмита фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармониغا 5-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ушбу Фармоннинг самарали ижросини ташкил этиш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси белгилансин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 ноябрь,
ПФ–219-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги
ПФ–219-сон Фармони
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида 2040 йилгача бўлган даврда уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-боб. Умумий маълумотлар

1. 2040 йилгача бўлган даврга мўлжалланган уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда — Асосий йўналишлар) қуйидагиларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ–158-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 январдаги «Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–11-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги «Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–26-сон Фармони.

2. Асосий йўналишлар мамлакатнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, урбанизация жараёнлари, аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик ҳолати, шунингдек, шаҳарсозлик сиёсати, молиялаштириш механизмлари (жумладан, ипотека кредити асосида) ҳамда илғор халқаро тажриба инobatга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг уй-жой соҳасини барқарор ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

2-боб. Асосий тушунчалар ва таърифлар

3. Ушбу Асосий йўналишларда қуйидаги тушунчалар қўлланади:

агломерация — бир нечта аҳоли пунктларининг ҳудудий яқинлик, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, саноат, транспорт, меҳнат, маданий, маиший ҳамда рекреацион ва бошқа алоқаларига кўра бир жойда жамланиши ва биргаликда ривожланиши;

давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

дизайн код — биоларнинг меъморий қиёфаси, ҳудудни ободонлаштириш элементлари ва шаҳар муҳитининг кўриниши бўйича ҳудуднинг уйғун визуал ва функционал қиёфасини шакллантиришга қаратилган мажбурий қоидалар ва тавсиялар тўплами;

уй хўжалиги — битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси;

«Яшил» технологиялар — биолар ва инфратузилмани лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ҳамда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган технологиялар;

инвестиция-қурилиш цикли — ер майдонини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришдан тортиб, объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичлар мажмуаси;

кўп квартирали уй-жой — икки ва ундан ортиқ квартирадан иборат бўлган, умумий муҳандислик тизимлари билан жиҳозланган ва умумий мулк элементларига эга уй-жой биноси;

якка тартибдаги уй-жой қурилиши — уй-жойга туташган ер майдонига эга бўлган алоҳида уй-жой биоларини қуриш;

ипотека қимматли қоғозлари — ипотека кредитлари портфели билан таъминланган ва уй-жой бозорига узоқ муддатли маблағлар жалб этиш мақсадида чиқариладиган молиявий воситалар;

комплексли қурилиш — бўш ерлардан фойдаланиш, уй-жой мавзеларини реновация қилиш ва саноат ҳудудларини қайта тиклашни ўз ичига олиб, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани инobatга олган ҳолда қуриб битказилмаган уй-жойлар ҳамда саноат ҳудудларини биринчи навбатда қурилишга жалб этишнинг тизимли механизми;

уй-жой билан таъминланганлик — бир кишига (катта ёшли ёки болага) тўғри келадиган ўртача уй-жой майдони (метр квадратда);

лойиҳавий молиялаштириш — қурилишга кредит ажратишнинг шакли бўлиб, унда махсус ташкил этилган лойиҳа компанияларига уй-жой қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш учун квартиралар сотилишидан тушадиган маблағлар оқими инobatга олинган ҳолда банклар томонидан маблағлар ажратиш механизми;

«Эскроу» ҳисобварағи — қурувчи ва улушдор ўртасидаги улуш кiritиш асосида тузилган улушли шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунигача қадар маблағларни вақтинча сақлаш учун учинчи томонда (эскро агент-банкда) очиладиган махсус банк ҳисобварағи;

«15 дақиқалик шаҳар» тамойили — шаҳарсозликни режалаштириш тамойили бўлиб, унга кўра кундалик ҳаёт учун зарур инфратузилма объектлари (иш жойи, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо, дам олиш) яшаш жойидан пиёда ёки транспортда 15 дақиқа ичида етиб бориш мумкин бўлган масофада жойлашган бўлади.

3-боб. Ўзбекистонда уй-жой соҳасининг ҳозирги ҳолати

1-§. Иқтисодий ҳолат

4. 2019 — 2024 йилларда ялпи ички маҳсулот йиллик ўртача 5,9 фоизга

ўсди ва бу кўрсаткич минтақа бўйича энг юқори даражалардан бири ҳисобланади. Халқаро молия институтлари прогнозларига кўра 2030 йилгача иқтисодий ўсиш суръати шунга яқин даражада сақланиб қолиши кутилмоқда.

5. Иқтисодиёт ўсиши аҳоли даромадларининг кўпайиши билан ҳамоҳанг кечмоқда: 2019 — 2024 йилларда аҳолининг реал умумий даромадлари ўртача йиллик 6,8 фоизга ошди. Прогнозларга кўра 2024 йилдан 2040 йилгача реал даромадлар икки бараварга ошиб, ойлик ўртача миқдори 794 АҚШ долларида 1 571 АҚШ долларида етиши кутилмоқда.

2-§. Демография

6. 2019 — 2024 йилларда мамлакат аҳолиси сони 33,3 миллион нафардан 37,5 миллион нафаргача ошди (ўртача йиллик ўсиш — 2 фоиз). 2040 йилга келиб бу ўсиш суръати йиллик 1,2 фоизгача пасайиши тахмин қилинмоқда. Демографик прогнозларга кўра, аҳолининг доимий ўсиш суръати йиллик 1,7 фоиз бўлган ҳолда 2040 йилда аҳоли сони 49,5 миллион нафарга етади.

7. Ушбу даврда уй хўжаликларининг таркиби, аҳолининг ёш бўйича тuzилиши ҳамда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмага бўлган эҳтиёжи сезиларли даражада ўзгаради:

уй хўжалигининг ўртача таркиби 5,0 нафардан 4,7 нафаргача камайиб, уларнинг умумий сони 7,5 миллиондан 9,8 миллионгача кўпайиши натижасида ҳар йили камида 150 — 160 мингта янги уй-жой қурилиши талаб этилади;

мактаб ёшидаги болалар сони 2,6 миллион нафарга кўпайиб, бу 3 мингта мактаб қурилишини талаб қилади;

талабалик ёшидаги ёшлар сони 1,2 миллион нафарга ортгани сабабли талабалар турар жойлари ва ижара уйларида эҳтиёж ортиши кутилмоқда;

меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3 миллион нафарга кўпайиб, бу корпоратив ва хизмат уй-жойларига бўлган талабни кучайтиради.

3-§. Уй-жой соҳасидаги давлат сиёсати

8. 2019 — 2024 йилларда уй-жой соҳасида қатор муҳим қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, бозорни тартибга солиш ва унинг шаффофлигини ошириш таъминланди. Жумладан, «ер амнистияси» орқали ноқонуний қурилган уйларга ҳуқуқий мақом берилди, уй-жой сотиб олишда мажбурий прописка (рўйхатдан ўтиш) талаби бекор қилинди, «Янги Ўзбекистон» дастури доирасида намунавий уйлар қурилиши йўлга қўйилди, «Янги Тошкент» лойиҳаси ҳамда пойтахтнинг 2045 йилгача бўлган бош режаси тасдиқланди.

Ушбу чоралар аҳоли сонининг тез кўпайиши шароитида уларни уй-жой билан таъминлаш имконини берди ҳамда уй-жойлар етишмовчилигининг олди олинди. 2019 — 2024 йиллар давомида ҳар йили 15 — 17 миллион метр квадрат уй-жой фойдаланишга топширилиб, аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси 1 киши ҳисобига ўртача 18,9 метр квадрат миқдорда сақланиб турди.

9. Сўнгги йилларда кўп квартирали уйлар қурилиши ҳажми ошган бўл-

са-да, бозор асосан якка тартибдаги уй-жой қурилишига таянади ва умумий қурилиш ҳажмининг тахминан 60 фоизини ташкил этади.

10. Рўйхатдан ўтиш (прописка) талабларининг енгиллаштирилиши урбанизация жараёнларини тезлаштирди ва аҳоли эҳтиёжини мамлакатнинг 14 та йирик агломерациясида жамлади. Ушбу ҳудудларда тахминан 12,5 миллион нафар киши, яъни мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қилади:

- 1) Тошкент — 4,5 млн киши;
- 2) Ўрта Зарафшон (Самарқанд — Каттақўрғон — Навоий) — 1,3 млн киши;
- 3) Андижон — Асака — Шаҳрихон — 0,8 млн киши;
- 4) Наманган — Тўрақўрғон — Чортоқ — 0,8 млн киши;
- 5) Қашқадарё (Қарши — Китоб — Шаҳрисабз — Косон) — 0,7 млн киши;
- 6) Фарғона — Марғилон — Қувасой — 0,6 млн киши;
- 7) Нукус — 0,5 млн киши;
- 8) Оҳангарон (Ангрен — Олмалиқ — Оҳангарон) — 0,4 млн киши;
- 9) Сурхондарё (Термиз — Денов) — 0,4 млн киши;
- 10) Хоразм (Урганч — Хива) — 0,4 млн киши;
- 11) Қуйи Зарафшон (Бухоро — Когон) — 0,3 млн киши;
- 12) Қўқон — 0,3 млн киши;
- 13) Чирчиқ — 0,3 млн киши;
- 14) Янгийўл — Чиноз — 0,2 млн киши.

11. Йирик агломерациялар тез суръатларда ўсмоқда, чунки улар иқтисодий фаоллик марказларига айланмоқда. Вақт ўтиши билан мамлакат аҳолисининг 50 — 70 фоизи айнан шу ҳудудларда истиқомат қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, уй-жой фондини икки бараварга оширишни, қурилиш зичлигини кўпайтиришни, шунингдек, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган кўп квартирали уйларни қуришни устувор вазифа сифатида белгилашни тақозо этади.

4-§. Ўзбекистонда уй-жой соҳасидаги асосий муаммолар

12. Соҳада қуйидаги муаммолар мавжуд:

(а) уй-жой билан таъминлаш даражаси паст. Ўртача яшаш майдони ҳар бир кишига 18,9 метр квадратдан тўғри келади. Бу кўрсаткич Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юқори бўлса-да, МДХ давлатларидаги ўртача даражадан (24,9 м²) ҳамда турмуш тарзи ўхшаш мамлакатлар — Малайзия (27,3 м²) ва Туркиядан (30 м²) паст. Республикадаги уй-жой фондининг йиллик ўсиши фақат демографик ўсишни қоплаб, бир кишига тўғри келадиган ўртача яшаш майдонини оширишни таъминламайди;

(б) аҳолининг барча қатламларида уй-жой сотиб олиш имконияти мавжуд эмас. Фақат аҳолининг 35 фоизи давлат томонидан қайта молиялаштирилдиган ипотека кредитлари ёрдамида уй сотиб олиш имкониятига эга, 12 фоиз аҳоли эса бозор ипотекаси шартларида уй-жой харид қилиш имконига эга;

(в) уй-жой фондининг сифати паст даражада. Якка тартибдаги уй-жойларнинг 70 фоизи сифати паст қурилиш материалларидан (хом ғишт, пахса) қурилган бўлиб, кўп ҳолларда марказлашган инфратузилмага уланмаган. Кўп квартирали уйларнинг 36 фоизи 1990 йилгача қурилган ва замонавий сифат талабларига жавоб бермайди;

(г) муҳандислик инфратузилмаси етарли эмас. Фақат 77,1 фоиз уйлар ичимлик суви билан таъминланган, 50 фоиз уйлар эса марказлашган канализация тизимига уланган.

(д) қурилиш зичлиги паст. Йирик шаҳарларда қурилиш зичлиги ҳар гектарига 1000 кв.метрдан кам бўлиб, бу МДХ ва Европа шаҳарларига нисбатан 3-4 барабар паст. Шу билан бирга, уй-жой фондининг 85 фоизи якка тартибдаги уйлар ҳиссасига тўғри келади (жумладан, шаҳар ичидаги маҳалла-ларда), бу ер ресурсларидан самарали фойдаланишни чеклайди ва инфратузилма қуриш ҳамда хизмат кўрсатиш харажатларини кескин оширади.

(ж) молиявий ресурслар оқими етарли эмас. Ҳар йили тахминан 1,5 миллиард АҚШ доллари уй-жой соҳасига кириб келмаслиги — инвестиция воситалари (масалан, кўчмас мулк фондлари) йўқлиги, муқобил молиявий маҳсулотлар ривожланмагани ва норасмий иқтисодиёт улушининг катталигида (банк тизими орқали айланмага кирмаган маблағлар) сабаб бўлмоқда.

5-§. Хулосалар

13. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва аҳоли даромадларининг ўсиши барқарор иқтисодий ривожланиш ва турмуш сифатини оширишнинг асосий драйвери бўлиши мумкин.

Буни таъминлаш учун аҳоли даромадларини йирик агломерациялар доирасидаги кўп квартирали уйлар қурилишига йўналтириш, шунингдек, давлатнинг уй-жой бозоридаги фаол ролини кучайтириш зарур.

Бу жараёнда давлат уй-жой соҳасидаги асосий йўналишларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни мувофиқлаштириши, талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликни бошқариши, «уй-жойнинг ягона ҳаётий цикли» таъминли доирасида ер тайёрлашдан тортиб ипотека орқали молиялаштириш ҳамда инвестор маблағларини жалб этишгача бўлган барча босқичларда маъмурий тўсиқларни бартараф этиши лозим.

4-боб. Асосий йўналишларнинг мақсад ва вазифалари

14. Асосий йўналишларнинг асосий мақсади — уй-жой соҳасини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш.

15. Асосий йўналишларнинг муҳим вазифалари:

(а) мамлакатда урбанизация жараёнини қўллаб-қувватлаш, 14 та йирик агломерацияда уй-жой фондини ва шаҳар муҳитини ривожлантиришни таъминлаш;

(б) аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш;

(в) банкларнинг ўз маблағлари ва институционал молия манбаларини уй-жой бозорига жалб қилиш;

(г) улушли қурилишда иштирок этувчи хусусий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

16. Мақсадни белгилашнинг асосий мазмуни:

аҳоли сонининг ўсиши, янги хонадонларнинг пайдо бўлиши ва уй-жой фонди етишмаслиги шароитидаги урбанизация уй-жойга бўлган барқарор эҳтиёжни шакллантиради;

иқтисодиёт ва аҳоли даромадларининг ўсиши, ипотека фоиз ставкалари пасайиши тўлов қобилияти юқори бўлишини таъминлайди;

янги уй-жойлар, айниқса, кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун 14 та йирик агломерацияда 10 — 15 йилга етарли ер фонди шакллантирилади;

ер фондини шакллантириш учун бош режалар, комплекс қурилиш дастурлари ва «Янги Ўзбекистон» массивлари дастурлари ишлаб чиқилади;

инвестиция-қурилиш жараёнини мақбуллаштириш ва маъмурий жараёнларни қисқартириш орқали уй-жой қурилиши муддатини 2 мартага қисқартириш мумкин бўлади (лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашдан бошлаб фойдаланишга топширишгача).

5-боб. Асосий йўналишларни амалга ошириш механизмлари

17. Асосий йўналишларнинг вазифалари уй-жой соҳасини комплекс ислоҳ қилишга ва уй-жойнинг ягона ҳаётий циклидаги тўсиқларни бартараф этишга асосланади. Бу таклиф, талаб, инфратузилма ва уй-жой билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришни қамраб олади:

(а) уй-жой таклифини рағбатлантириш:

урбанизация жараёнини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг йирик агломерацияларида уй-жой фондини ошириб бориш ва қулай шаҳар муҳитини шакллантириш мақсадида аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ уй-жой ва инфратузилма дастурларини шакллантириш;

қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда келгусида қурилиш учун зарур ер майдонлари захирасини олдиндан шакллантириш, шунингдек, «Янги Ўзбекистон» массивларини комплекс қуриш лойиҳаларига қаратилган шаҳарсозлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс қурилиш механизмларидан устувор фойдаланишни таъминлаш;

маъмурий жараёнларни мақбуллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва замонавий технологияларни қўллаш орқали инвестиция-қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини қисқартириш;

(б) уй-жойга бўлган талабни рағбатлантириш:

улушли қурилишда иштирок этувчи фуқароларни ҳимоя қилиш учун «эскроу» ҳисобварақлари тизимини жорий этиш ва қурувчиларни банклар орқали лойиҳавий молиялаштиришини йўлга қўйиш;

ипотека кредити тизимини ривожлантириш, кредит ставкаларини пасайтириш, жумладан, уй-жой ипотека кредити билан боғлиқ битимларни стандартлаштириш ва рақамлаштириш ҳамда банкларнинг ипотека кредитлари портфелларини секьюритизация қилиш орқали кўчмас мулк бозорини рақамлаштириш;

кўчмас мулк фондларини ташкил этиш орқали хусусий ва институционал

инвесторларни уй-жой бозорига жалб қилиш, бу орқали корхоналар учун ижара уй-жойларини, талабалар шаҳарчалари, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун уйлар ва бошқа мақсадли қурилишларни молиялаштиришни таъминлаш;

(в) аҳолини қулай инфратузилма билан қамраб олиш жараёнини жадаллаштириш:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишни таъминлаш — бунинг учун ёрдам чора-тадбирларининг ягона рўйхатини шакллантириш ва эҳтиёжманд фуқаролар учун рақамли платформа яратиш;

ижара уй-жой бозорининг институционал инфратузилмасини шакллантиришни таъминлаш (шу жумладан, тижорат, ижтимоий, корпоратив ва талабалар учун сегментларни қамраб олган ҳолда) — бунинг учун норматив-ҳуқуқий базани яратиш, солиқ имтиёзларини жорий этиш, профессионал ижарага берувчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчилари институтларини вужудга келтириш;

бозорнинг профессионал иштирокчилари учун шаффоф, ишончли ва етарли таҳлил ҳамда маълумотларни таъминлаш — бунинг учун турли давлат тизимлари ва бошқа манбалардан маълумотларни бирлаштирувчи очиқ рақамли платформани яратиш;

давлатнинг уй-жой сиёсати ва амалга оширилаётган ташаббуслари ҳақида аҳоли ва бозор иштирокчиларини доимий хабардор қилиб бориш;

(г) уй-жой соҳаси билан боғлиқ йўналишларни ривожлантириш:

сув таъминоти, газ таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти соҳаларида давлат-хусусий шерикликнинг (ДХШ) намунавий лойиҳаларини кенгайтиришни таъминлаш;

уй-жой қурилишида энергия тежамкорлиги ва «яшил» технологиялар стандартларини жорий этишни таъминлаш, шу жумладан, уларни техник меъёрларга интеграция қилиш ва қурилиш ташкилотлари учун молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

«15 дақиқалик шаҳар» концепцияси, зичликни ошириш, функция чегараларининг аниқ эмаслиги, дизайн кодлар ва замонавий уй-жой моделларини татбиқ этиш;

якка тартибдаги уй-жой қурилишини стандартлаштириш ҳамда молиялаштириш учун тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ипотека кредити ва сертификатланган қурилиш компаниялари учун лойиҳа молиясини жорий этишга оид норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

муқобил молиялаштириш воситалари учун норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишни таъминлаш, шу жумладан, халқаро стандартларни (AAOIFI, IFSB) Ўзбекистон Республикасида жорий этиш.

6-боб. Асосий йўналишларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

18. Асосий йўналишларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришиш режалаштирилган:

(а) урбанизация жараёнини назоратли тарзда амалга ошириш:

инвестиция-қурилиш жараёнлари сезиларли даражада қисқаради, бу эса янги уй-жойлар ва инфратузилмаларни тезроқ фойдаланишга топшириш имконини беради;

кейинги 15 йил ичида республикадаги уй-жой фонди 707 млн метр квадратдан 1,1 млрд метр квадратгача ўсиши, ҳар йили қурилаётган уй-жой ҳажми эса ҳозирги 16,8 млн метр квадратдан 30,3 млн метр квадратгача етказилиши кутилмоқда, шуларнинг ярмидан кўпини кўп квартирали уйлар ташкил этади;

йирик агломерацияларда аҳоли иш жойларига яқинроқ яшайди, бу эса инфратузилма харажатларини ва транспорт юқини камайтиради ҳамда иқтисодиётнинг жадал ўсишига туртки беради;

ижарага бериладиган уй-жойлар фонди яратилади, бу орқали иш билан банд аҳоли, талабалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва вақтинча банд аҳолини ўқиш ёки иш жойига яқин, қулай шароитдаги уй-жой билан таъминлаш имкони яратилади, натижада аҳолининг ички мобиллиги ошади;

аҳолининг уй-жой шароити яхшиланади ва замонавий шаҳар муҳити шаклланади, бу эса мамлакатнинг энг йирик шаҳарларини ташқи кўриниши ва яшаш сифати бўйича замонавий дунё мегаполисларига яқинлаштиради;

(б) аҳоли уй-жой шароитини яхшилаш:

аҳолини уй-жой билан таъминланиш кўрсаткичи бир киши ҳисобига 18,9 метр квадратдан 23 метр квадратдан ошади;

аҳолининг уй-жой сотиб олиш имконияти ортиб, ҳар уч нафар фуқародан бири давлат кўмагисиз ипотека орқали уй-жой харид қила олади;

муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма сифати, уларнинг энергия самарадорлиги ва хавфсизлиги ошади, натижада аҳолининг уй-жой шароити халқаро стандартларга яқинлашади ва айрим кўрсаткичлар бўйича минтақадаги давлатларга нисбатан юқори натижаларни қайд этишга эришилади;

(в) уй-жой қурилиши учун молиявий манбаларни диверсификация қилиш:

банклар томонидан қурилиш компаниялари ва уй-жой харидорларига кредит бериш, шунингдек, институционал ва хусусий инвесторларни уй-жой соҳасига жалб этиш орқали янги йирик бозорлар шаклланади;

ипотека портфели ҳажми 2025 — 2040 йиллар мобайнида 5,3 млрд АҚШ долларидан 56,7 млрд долларгача ўсади, бу эса ипотека қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш имконини яратади, 2040 йилга келиб ипотека қимматли қоғозлар айланмаси 4 млрд АҚШ доллари даражасига етиши прогноз қилинмоқда;

ипотека кредитлаш бозорида нодавлат сектор улуши босқичма-босқич оширилади, бунинг учун тижорат банклари ва «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ томонидан хорижий кредит линиялари ва бошқа молиявий инструментлар орқали ресурслар жалб этилади;

банклар томонидан қурилишни лойиҳа асосида молиялаштириш бозори шаклланади, унинг умумий портфели 2040 йилга бориб 12,2 млрд АҚШ долларини ташкил этади;

ижара уй-жой бозори янги босқичга кўтарилади, профессионал ижара

ташкilotлари ва институционал иштирокчилар (ижара уй-жой фондлари, бошқарув компаниялари ва бошқалар) фаолияти орқали янги инвестиция воситалари пайдо бўлади ҳамда яширин иқтисодиёт улуши камаяди;

уй-жой қурилиши учун ер участкалари бозори очик ва шаффоф бўлади, бу эса ернинг ҳақиқий бозор қийматини белгилаш имконини беради ва инвесторлар учун жозибадорликни оширади;

(г) хусусий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:

қурилатган уйлардаги барча харидорлар маблағлари мажбурий «эскроу» ҳисобварағи ва лойиҳавий молиялаштириш механизми орқали ҳимоя қилинади;

фуқаролар маблағларининг хавфсизлиги таъминланади, бу эса хусусий маблағларни уй-жой қурилишига барқарор равишда жалб этишга имкон беради;

уй-жой бозорида харидорлар ва уй-жой қурилишида улушдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи янги механизмларни жорий этиш орқали шахсий маблағларнинг уй-жой қурилишига барқарор равишда кириб келиши таъминланади;

қурилиш ҳажмлари сезиларли даражада ортиб, янги тизим талабларига тез ва самарали мослашган банклар ҳамда қурилиш компаниялари бозорда ўз улушини оширади ва молиявий натижаларини яхшилайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**713 Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш
механизмини самарали ташкил этиш тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида табиий офатлар натижасидаги зарарларни қоплашнинг янги механизмларини жорий этиш орқали соҳадаги тадбиркорлик субъектлари иқтисодий барқарор фаолият юритиши учун имкониятлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизимини жорий этишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишнинг самарали тизимини жорий этиш орқали табиий ва техноген офатлар, ёнғин, зараркунанда ва касалликлар таъсирида ўсимлик ҳамда ҳайвонларга етказилган зарарларни қоплаб бериш;

(б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилга қадар босқичма-босқич 20 фоизга ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг хавфларини камайтириш;

(в) суғурталаш харажатларининг (суғурта мукофоти) 50 фоизини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш орқали 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш қамровини 50 фоизга етказиш.

**II. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизимини самарали
йўлга қўйиш**

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин. Белгилансинки, Жамғарма:

(а) Қонунда белгиланган вазифа ва функцияларни ҳамда суғурталовчи вазифасини лицензиясиз амалга оширади;

(б) суғурта (қайта суғурта) фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилади (календарь бадал тўлаш мажбурияти бундан мустасно).

3. Белгилансинки:

(а) 2026 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари маҳсулот етиштириш учун давлатнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) хавфини олдиндан суғурта қилиш босқичма-босқич амалга оширилади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

(б) кластер, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг имтиёзли кредитлар бўйича қарздорликлари қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртаси шартномаси бўйича қопланмайди.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

(а) 2025 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномасини расмийлаштириш, суғурта мукофоти учун бюджет субсидиясини олиш, суғурта товонини олишга доир аризаларни кўриб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини ўз ичига оладиган лицензия талаб ва шартларига мувофиқ бўлган Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;

(б) Ахборот тизимини суғурта фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига фойдаланиш талаблари ва шартларига риоя қилган ҳолда интеграция қилсин. Бунда Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмайди;

(в) Ахборот тизимини бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин. Бунда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотлар доимий равишда қонунчиликка мувофиқ беғараз асосда тақдим этиб борилади;

(г) мамлакатда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизимини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш, таваккалчиликларни бошқариш ва мустақил экспертлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун Жамғармага малакали хорижий маслаҳатчиларни жалб этсин.

5. Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи давлат органи фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–178-сон Фармони билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлардан қисқартирилган штат бирликлари ҳисобидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони қўшимча 7 та штат бирлигига оширилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг ижро этувчи органи — Дирекция тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) Жамғарма ўз фаолиятини бошлагунига қадар унинг устав капиталини 35 млрд сўм миқдорида шакллантириш;

(б) Жамғарма устав капитали суғурталовчилар устав капиталининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдорларини шакллантириш учун Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратиб борсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда 2026 йил 1 февралга қадар юқори малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудуддан камида 5 нафардан, 2027 йил

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1 мартга қадар қўшимча 600 нафар қишлоқ хўжалиги суғуртаси шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси мавжудлиги ва зарар миқдорини аниқлаш учун зарур малакага эга бўлган мустақил экспертларни тайёрласин.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин:

(а) Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда суғурта ҳодисаси ва унинг юз бериш эҳтимолини ўрганадиган мустақил экспертлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низомлар;

(б) Ахборот тизимида интеграция қилиниши лозим бўлган бошқа ахборот тизимларининг рўйхати;

(в) суғурта қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва таваккалчиликларнинг турлари;

(г) Жамғарма бошқарув кенгаши аъзолари таркиби.

10. Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга қўшимча юкламаларнинг олдини олиш, жумладан, кредитни қайтармаслик хатарини тижорат банки фойдасига суғурта қилиш амалиётини қисқартириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Савдо-саноат палатаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Жамғармани Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ш. Руставели кўчаси 8-уй манзилида ижара ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳозлар, моддий-техник воситалар ва алоқа турлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

(б) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев, қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

15. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси
Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 ноябрь,
ПФ–223-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

714 Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими-
ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, аграр соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини рақамлаштириш орқали меҳнат ва вақт ресурслари сарфини 2 бараварга қисқартириш, ажратиладиган маблағлар самарадорлигини ошириш;

(б) озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чораларини унификация қилиш орқали уларнинг сонини 2028 йил якунига қадар 50 фоизгача қисқартириш;

(в) соҳада қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилга қадар босқичма-босқич 20 фоизга кўпайтириш.

**II. Аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали
tizimini йўлга қўйиш**

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

3. Белгилансинки, Агентлик:

(а) озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари (кейинги ўринларда — қўллаб-қувватлаш чоралари) кўрилишини ташкил қилади;

(б) қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, ижросини мониторинг ва таҳлил қилиш, натижадорлигини ошириш ҳамда самара бермаётган чораларни бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

(в) қўллаб-қувватлаш чораларининг янги турларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

(г) қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсатиш учун аризаларни топшириш-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

дан бошлаб, уларни кўриб чиқиш, маъқуллаш ва тўлов жараёнигача бўлган барча босқичларни тўлиқ рақамлаштиради.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) 1-иловада* келтирилган қўллаб-қувватлаш чоралари Агентлик томонидан амалга оширилади, бундан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратиладиган имтиёзли ресурслар ва фоиз харажатлари билан боғлиқ чоралар мустасно;

(б) 2-иловада* кўрсатилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тўхтатилади;

(в) қўллаб-қувватлаш чораларининг янги турларини жорий қилиш ва амалдагиларини бекор қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш фақат Агентлик томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

(г) қўллаб-қувватлаш чоралари тадбиркорлик субъектларига алоҳида махсус ҳисоб рақамлар (23210) очиш орқали молиялаштирилади;

(д) қўллаб-қувватлаш чораларининг бир туридан иқтисод қилинган маблағларни уларнинг бошқа турига қайта тақсимлаш Агентликнинг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган таклифларига кўра Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади;

(ж) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қўллаб-қувватлаш чораларини олиш учун белгиланган талабларни бажарганлиги бўйича дала текширувлари Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади;

(з) Агентлик бир йилда икки маротаба (олти ойлик ва йил якуни билан) қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлиги ва натижадорлиги, уларни тақдим этишда юзага келаётган муаммолар ва бартараф этиш механизмлари юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил якунига қадар «Агросубсидия» платформасини Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, «Ўзбеккосмос» агентлиги, Кадастр агентлиги, тижорат банклари ҳамда бошқа манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларига интеграция қилиш чораларини кўрсин. Бунда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотлар доимий равишда қонунчиликка мувофиқ беғараз асосда тақдим этиб борилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлигининг фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

(а) қишлоқ хўжалиги вазирининг молия-иқтисодиёт масалалари юклатилган ўринбосари бир вақтнинг ўзида Агентлик директори ҳисобланади ва ўриндошлик асосида фаолият юритади;

* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(в) Агентлик штат бирликлари 4-иловага* мувофиқ вазирлик ва идораларнинг 23 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади.

III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Агентликка қўллаб-қувватлаш чоралари учун талаб этиладиган маблағларни ҳар йилги Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

9. Савдо-саноат палатаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Агентликни Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ш. Руставели кўчаси 8-уй манзилидаги бинога бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳозлар, моддий-техник воситалар ва алоқа турлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Агентлик тузилмаси ва Агентлик тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

(б) қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб бориш тавсия этилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров, қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

14. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 ноябрь,
ПФ–224-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

715 Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши
миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбир-
лари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги «Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–217-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

**I. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
фаолиятини йўлга қўйиш**

1. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда — Экология қўмитаси) ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тўғрисидаги низом 2-иловага** мувофиқ;

(в) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Давлат экологик назорат инспекцияси (Экополиция) тўғрисидаги низом 3-иловага** мувофиқ;

(г) Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тизимидаги давлат инспектори мақомига эга ходимларга махсус унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага** мувофиқ;

(д) Экополиция ходимларини 2025 — 2027 йилларда махсус техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича дастур 5-иловага** мувофиқ;

(ж) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Экология қўмитасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган тахлилий назорат маркази» давлат муассасаси негизида «Экологик мониторинг миллий маркази» давлат муассасаси ташкил этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Экология қўмитаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор ҳисобланади;

(б) Экология қўмитаси ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ҳамда унинг фаолиятига ушбу мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади;

(в) қонуности ҳужжатларида белгиланган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, уларга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

** 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бевосита Экология қўмитаси томонидан амалга оширилади;

(г) Экология қўмитаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(д) Экология қўмитасининг жорий фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси раҳбарлик қилади;

(ж) Экология қўмитаси раисининг 4 нафар ўринбосари мақоми, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш шартлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосарларига тенглаштирилади;

(з) Экология қўмитасининг мансабдор шахслари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун устама ва қўшимча тўловлар сақланиб қолади;

(и) Экология қўмитасида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни бериш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

(к) давлат экологик назоратини амалга оширадиган ходимларнинг формали кийим-бош ва фарқлаш белгиларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(л) Экополиция ходимларини махсус техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш Экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(м) Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳамда Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги:

(i) директорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(ii) директор ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(н) Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) раҳбарлари Экология қўмитаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

(о) ҳудудий бўлинмалар ва туман (шаҳар) бўлимлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тузилмасига кирмайди ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширади ва Экология қўмитаси олдида ҳисобдор бўлади;

(п) давлат органлари ва ташкилотлари экологик дипломатия бўлимлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларини мажбурий тартибда Экология қўмитаси билан олдиндан келишади;

(р) Экология қўмитасига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва давлат ўрмон хўжаликлари тузилмаларини (намунавий тузилмаларини) тасдиқлаш ваколати берилади.

II. Соҳани рақамлаштириш ва экологик ишлаб чиқаришга ўтиш

4. Экология қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 сентябрга қадар Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ягона экологик онлайн платформа фаолиятини йўлга қўйсин.

5. Ягона экологик онлайн платформага қўйиладиган асосий талаблар 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича I ва II тоифага мансуб саноат корхоналари (кейинги ўринларда — I ва II тоифадаги корхоналар) 2026 йил 1 мартга қадар ўз ҳудудларида фон мониторинг станцияларини ўрнатиш ва уларни Экология қўмитасининг Экологик мониторинг миллий марказига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

7. 2026 йил 1 мартдан бошлаб белгиланган муддатда фон мониторинг станцияларини ўрнатмаган ва уларни Экология қўмитасининг Экологик мониторинг миллий марказига интеграция қилмаган I ва II тоифадаги корхоналарга нисбатан компенсация тўловларини беш бараварга оширилган ҳолда қўллаш тартиби жорий этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2026 йил 1 мартдан бошлаб табиатга зарар етказиш бўйича компенсация тўловларидан озод қилиш тарзида имтиёз бериш билан боғлиқ барча қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий кучга эга кўрсатмалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ҳамда ушбу масалада имтиёз бериш фақат қонун орқали амалга оширилади;

(б) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилишни истисно қилиш ёки риоя этмасдан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шу жумладан, давлат экологик экспертизаси хулосасини бериш, дарахт ва буталарни кесиш ва кўчиришни назарда tutувчи Ҳукуматнинг қарор, фармойиш, баённома ва ёзма топшириқларини ҳамда идоравий ҳужжатлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатларини қабул қилиш қатъий тақиқланади;

(в) Экополиция ходимларига жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни (электрошок қурилмаларини) ва хизмат қуролини (резина ўқли, тўр отувчи) қўллаш ҳуқуқи берилади ҳамда уларнинг махсус кийимига боди камералар ўрнатилади;

(г) қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Экополиция ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва хизмат қуролини қўллаш тартибига Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган асослар ва шартлар татбиқ этилади.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Белгилансинки, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб, ўрмон фондига кирмайдиган дарахт билан қопланган аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) ер майдонларини олиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ажратишга жамоатчилик томонидан тақиқ қўйиш бўйича ташаббус киритиш имкони яратилади. Бунда:

(а) фуқаро давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади;

(б) дарахт билан қопланган ер майдони жойлашган маҳалла аҳолисининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми тақиқ қўйишга розилик билдирган тақдирда, Экология қўмитаси томонидан ушбу майдонни олиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ажратишга тақиқ қўйилади;

(в) Кадастр агентлиги тегишли ер майдони хусусий мулк ҳисобланмаслиги ёки бошқа ер тоифасига кирмаслигини ўрганиб, ижобий ҳолларда Экология қўмитаси томонидан ушбу майдонга қўйилган тақиқни рўйхатдан ўтказди.

III. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқарувини такомиллаштириш

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) Экология қўмитаси тизимидаги мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумдавлат аҳамиятига эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (кейинги ўринларда — табиий ҳудудлар) ҳисобланади ва уларга нисбатан қуйидаги тартиб жорий этилади:

(i) табиий ҳудудлар бошқаруви ва бўйсунуви бевосита Экология қўмитасида бўлади;

(ii) янги табиий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжуд табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш қонуности ҳужжатлари билан амалга оширилиши мумкин;

(iii) табиий ҳудудларнинг фаолиятини тугатиш ёки улар ҳудудини қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан амалга оширилади;

(б) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан маҳаллий аҳамиятга эга табиат боғлари, буюртма қўриқхоналари, курорт табиий ҳудудлар ва ботаника боғлари ташкил этилиши мумкин ва уларга нисбатан қуйидаги тартиб жорий этилади:

(i) бошқаруви ва бўйсунуви туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади;

(ii) уларнинг фаолиятини тугатиш ёки улар ҳудудини қисқартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қарорлари билан амалга оширилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2026 йил 1 ноябрга қадар 2 тадан маҳаллий аҳамиятга эга табиат боғларини ташкил этсин.

IV. Экология соҳасида молиявий барқарорлик

12. Экология соҳасидаги умуммиллий лойиҳалар, экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар ва амалга ошириладиган лойиҳалар дастурларини молиялаштириш учун Экология қўмитаси ҳузурида Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Махсус жамғарма) ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) 2025 йилда республика бюджетидан ажратиладиган 900 миллиард сўм;

(б) 2026 йилда республика бюджетидан 8-иловага* мувофиқ тадбирлар учун мақсадли ажратиладиган 548 миллиард сўм;

(в) 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(i) Ўзбекистон Республикаси томонидан тасарруф этиладиган углерод бирликлари савдоси натижасида ҳосил бўладиган маблағларнинг 20 фоизи;

(ii) атроф табиий муҳитнинг ифлослантирилганлиги ва чиқиндиларнинг жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишида айбдор бўлган жисмоний ва юридик шахслардан маъмурий ва суд тартибида ундириладиган жарималар, молиявий санкциялар ва пул маблағларидан 9-иловада* белгиланган миқдорлардаги ажратмалар;

(iii) транспорт воситаларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган утилизация йиғимининг 10 фоизи;

(г) 2027 йил 1 январдан бошлаб:

(i) пневматик резина шиналар ва покришкалар учун ҳамда келгусида янги жорий этиладиган утилизация йиғимларининг 100 фоизи;

(ii) транспорт воситаларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган утилизация йиғимининг 90 фоизи.

13. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 12-бандида назарда тутилган утилизация йиғимлари бўйича даромадлар Давлат бюджети даромадлари таркибида тўлиқ акс этирилган ҳолда Махсус жамғармага ўтказиб берилади.

14. Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармасининг бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Жамғарма кенгаши) 10-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин. Бунда:

(а) кейинги йиллар учун Махсус жамғарма ҳисобидан аниқ молиявий маблағлар кўрсатилган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар дастури олдиндан ҳар йилнинг ноябрь ойида Жамғарма кенгашида кўриб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борилади;

(б) Жамғарма кенгаши Махсус жамғармага келиб тушган маблағлардан очиқлик ва жамоатчиликка ҳисобдорлик тамойиллари асосида фойдаланишни таъминлайди;

* 8 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) Махсус жамғарманинг даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация раҳбари томонидан белгиланади.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йил якунига қадар 2025 йил учун республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатларда кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Махсус жамғармага 900 миллиард сўм маблағ ажратсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда юридик шахсларнинг Экология қўмитаси ҳузуридаги Яшил хайрия жамғармасига ажратиладиган ихтиёрий хайрия тарзидаги маблағлари ҳамда яшил боғларни барпо қилиш ва уларни парваришлаш тадбирлари учун йўналтирилган харажатларини фойда солиғидан озод қилиш бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

17. Солиқ қўмитаси Экология қўмитаси билан биргаликда «Soliq» мобил иловаси орқали жисмоний шахсларга харид суммасининг ва республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга оширганлик учун харажатларнинг республика бюджетидан қайтариладиган қисмини ихтиёрий равишда дарахт кўчатларини экишга йўналтириш имкониятини яратсин.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

18. Экология қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 ноябрь,
ПҚ–343-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

716 Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–219-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) урбанизация ва уй-жой соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш;

(б) Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси (кейинги ўринларда — Миллий қўмита) фаолиятини ташкил этиш;

(в) урбанизация ва уй-жой соҳасида давлат органлари ўртасида ўзаро интеграцияни ташкил этган ҳолда ҳамкорликни янада ривожлантириш;

(г) урбанизация ва уй-жой соҳасида етакчи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

II. Давлат органи масъулиятини ошириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра қуйидаги масалаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Миллий қўмита билан мажбурий келишилиши шарт:

(а) уй-жойлар қурилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари;

(б) Нукус ва Тошкент шаҳарларида, вилоятлар марказлари ва бошқа агломерацияларда уй-жой ҳамда нотурар жой мажмуаларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш;

(в) «Янги Ўзбекистон» массивларида ва бошқа массивларда кўп квартираларни қуриш лойиҳалари бўйича йиллик мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш;

(г) комплекс қурилиш лойиҳалари амалга ошириладиган ва «Янги Ўзбекистон» массивлари қуриладиган ҳудудларни белгилаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Миллий қўмита бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 50 та штат бирлигидан иборат бўлади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

(б) Миллий қўмита лойиҳавий бошқарув тамойили асосида ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий мутахассис ва экспертларни, шу жумладан, олимлар, илмий изланувчилар ва тадқиқотчиларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилиши (ишга олиши) мумкин;

(в) Миллий қўмита фаолияти Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Миллий қўмита Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 1а-уйда жойлашган маъмурий бинога оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

6. Ушбу қарорнинг самарали ижросини ташкил этиш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси белгилансин.

7. Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 ноябрь,
ПҚ-347-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

717 Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги «Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–217-сон Фармонига мувофиқ, иқтисодиётнинг стратегик жиҳатдан муҳим сектори сифатида туризм соҳасининг тизимли ва барқарор ривожланишини таъминлаш, соҳада давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ҳамда миллий туристик маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2030 йилгача туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини амалдаги 3,5 фоиздан 7 фоизгача етказиш;

(б) чет эллик туристларнинг йиллик сонини амалдаги 10 млн нафардан 20 млн нафаргача етказиш, шу жумладан, тўлов қобилияти юқори бўлган туристлар оқимини кўпайтириш;

(в) туризм хизматлари йиллик экспорти ҳажминини 6 млрд АҚШ доллари-дан ошириш;

(г) Ўзбекистоннинг туристик шаҳарлари ўртасидаги транспорт боғланишини яхшилаш, ички авиақатновлар сонини кўпайтириш ҳамда йўлга сарфланадиган вақтни камида 3 бараварга қисқартириш;

(д) 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар сонини 2 бараварга ошириш;

(ж) туристик хизматлар ва маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали республиканинг туристик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш;

(з) жаҳонда кенг таниладиган Ўзбекистоннинг туристик брендини яратиш ва миллий туристик маҳсулотларни оммалаштириш учун янги инструментларни жорий этиш.

II. Соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш

2. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг ташкилий тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

(а) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) туризм соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

(б) Қўмита ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли;

(в) Қўмита раиси:

(i) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

(ii) Қўмита ва унинг тизимидаги ташкилотлар ишини тўғри ва самарали ташкил этиш, бу орқали уларнинг фаолиятини натижадорликка йўналтириш, шунингдек, ушбу йўналишда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга сўзсиз ва тўлақонли эришишни таъминлаш учун масъул ҳамда шахсан жавобгар ҳисобланади;

(г) Қўмита Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади.

III. Туристик оқимни ошириш

4. Миллий туристик маҳсулотларни жаҳонда оммалаштириш мақсадида:

(а) Қўмита раисининг миллий туристик маҳсулотларни оммалаштириш бўйича ўринбосари лавозими киритилсин;

(б) Қўмитанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари (кейинги ўринларда — ваколатхоналар) 3-иловага* мувофиқ ташкил этилсин;

(в) ваколатхоналар ўзи фаолият юритадиган давлатларда 4-иловада назарда тутилган вазифаларни бажариши белгилансин;

(г) Қўмита раисининг миллий туристик маҳсулотларни оммалаштириш бўйича ўринбосари «Миллий PR-маркази» давлат муассасаси ва ваколатхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда миллий туристик маҳсулотларнинг самарали маркетинги учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

5. Қўмита:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

(i) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визасиз режим жорий этиладиган давлатлар рўйхатини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва унинг ҳудудида бўлиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш;

(ii) республиканинг туризм-транспорт логистикасини ривожлантириш бўйича пухта ишлаб чиқилган таклифларни;

(б) Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини 2040 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 апрелга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи 2030 йилгача мўлжалланган туристик хизматлар бозорларида маркетинг стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(i) миллий туристик маҳсулотларни фаол саёҳат қилувчи аҳолига эга хорижий давлатларда оммалаштириш;

(ii) туризм соҳасида таргетланган реклама тизимини кенг жорий этиш.

6. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Маданий мерос агентлиги, Қўмита билан биргаликда туристларни жалб қилиш бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш мақсадида 2026 — 2028 йилларда қуйидаги лойиҳа ва чора-тадбирларни амалга оширсин:

(а) Самарқанд шаҳридаги энг муҳим тарихий объектларни боғловчи 6,6 км узунликдаги туристик маршрутни ташкил этиш бўйича «Самарқанднинг мерос йўли» лойиҳасини;

(б) аҳолининг турмуш тарзи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ва коммуникация тизимини тарихий муҳит билан уйғунлаштирган ҳолда Хива шаҳридаги Ичан-қалъа мажмуасини жаҳонда ягона бўлган иммерсив ва «ақлли» музей-шаҳарга айлантириш;

(в) Тошкент шаҳри бўйича:

(i) модернизм ёдгорликларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича материаллар тақдим этиш;

(ii) энг кўп мозаикалар бор шаҳар сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилишига эришиш.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Қўмита ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қуйидаги тартибда жаҳонга машҳур кийим-кечак брендларини савдо-кўнгилочар мажмуаларга жалб қилиш ҳамда шаҳарлар четларида (атрофларида) миллий архитектура услубига асосланган замонавий аутлет марказларни ташкил этиш чораларини кўрсин:

(а) биринчи босқичда (2030 йилгача) — Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида;

(б) иккинчи босқичда (2030 йилдан бошлаб) — туристик салоҳияти юқори бўлган бошқа аҳоли пунктларида.

IV. Туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2026 йил 1 февралдан бошлаб чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишда аввал харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш уларнинг хоҳишига кўра нақд пул шаклида амалга оширилиши мумкин;

(б) 2026 йил 1 мартдан бошлаб Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

(i) туристик стартапларни — янги турдаги туризм хизматларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда ҳар йили энг яхши 10 тагача лойиҳаларга субсидиялар ажратилади;

(ii) меҳмонхоналарнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландиган рўйхатда назарда тутилган халқаро эътироф этилган «яшил» сертификатларни олиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади;

(в) 2026 йил 1 апрелдан бошлаб халқаро конференциялар ва тадбирларни (MICE туризм) ташкил қилиб, унга камида 100 нафар чет эллик туристни жалб қилган тадбиркорлик субъектларига ушбу тадбирларни ташкил қилишда улар томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларининг 50 фоизини қайтариш тартиби жорий этилади;

(г) 2027 йил 1 январга қадар ушбу қарорга 5-иловада назарда тутилган тартибга риоя қилган ҳолда:

(i) туризм соҳаси субъектлари томонидан импорт қилинадиган автобус, электробус ва микроавтобуслар божхона божидан озод этилади;

(ii) Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олиниб, лицензияга эга бўлган туроператорларга, истисно тариқасида, экстремал турларни ташкил қилиш учун двигатель ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божи ва утилизация йиғимини амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида 3 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади;

(iii) туризм соҳаси субъектлари томонидан импорт қилинадиган автобус, электробус ва микроавтобусларнинг сонидан қатъи назар, уларга битта сертификат беришга рухсат этилади;

(д) 2030 йил 1 январга қадар «Brand Finance» компаниясининг топ-50 та-лик рейтингига кирувчи брендни жалб қилган ҳолда бренд билан дастлабки келишувларга эга меҳмонхона қурилишини бошлаган тадбиркорлик субъектлари меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлашда мазкур брендининг талабига мувофиқ олиб келадиган асбоб-ускуналар, техника, транспорт воситалари, мебель ва инвентарлар учун божхона божини тўлашдан озод этилади.

9. Белгилансинки:

(а) Қўмита республика ҳудудида ўз фильмларини яратишда хорижий кинокомпанияларга харажатларнинг бир қисmini қайтаришни (Rebate) мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

(б) ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган харажатлар суммаси:

(i) 3 миллиард сўмгача бўлса — 10 фоиз;

(ii) 3 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмгача бўлса — 15 фоиз;

(iii) 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлса — 20 фоиз;

(iv) 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлса — 25 фоиз, бироқ битта фильм учун 4 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

(в) 2026 йил 1 мартдан бошлаб нуфузли хорижий кинокомпаниялар билан музокаралар ўтказган ҳолда Жамғарма маблағлари ҳисобидан фильмларнинг бевосита ёки билвосита Ўзбекистон Республикаси туристик жозибадорлиги, тарихий-маданий мероси ва бошқа муҳим ижобий жиҳатларини намоиш қилувчи қисmini (эпизодини) яратганлик (шу жумладан, Ўзбекистон Рес-

публикаси ҳудудиди, ўз павильонларида ёки компьютер графикаси ёрдамида) учун ҳақ тўлаш тартиби жорий этилади.

V. Туризм соҳасини рақамлаштириш

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) ишга тушириладиган Миллий туризм ягона платформаси ва унинг мобил иловаси орқали:

(i) хорижий туристларнинг розилиги асосида Давлат чегарасини кесиб ўтишда йиғиладиган маълумотларни интеграция қилган ҳолда туристик электрон SIM-карта билан улаш ва вақтинча бўлиш жойи бўйича рўйхатга олиш проактив шаклда амалга оширилади;

(ii) мулкчилик шаклидан қатъи назар транспортнинг барча турлари интеграция қилинган ҳолда саёҳат йўналишини тузиш, энг мақбул йўналиш ва транспорт турини танлаш, чипталарни онлайн банд қилиш ва сотиб олиш имконияти яратилади;

(iii) чипта хўжалиги жорий қилинган барча туризм объектлари, шу жумладан, музейлар, маданий мерос объектлари, маданият, кўнгилочар ва дам олиш объектларига билетларни онлайн сотиб олиш имкониятига эга бўлган ягона чипта тизими жорий қилинади;

(iv) экскурсиялар ўтказиш учун интерактив хариталар, планшетлар, аудиоёрдмачи, видеоёрдмачи ҳамда онлайн трансляциялар воситасида туристик объектлар ҳақида ахборот бериш имконини берувчи рақамли гид тизими ишга туширилади;

(v) жойлаштириш воситалари томонидан хорижий ва маҳаллий туристлардан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғим биллинг тизими орқали автоматик тарзда тўғридан-тўғри Жамғармага ўтказилади;

(б) аҳоли томонидан дала ҳовлиларини ижарага бериш «Soliq» мобил иловаси орқали «мен билан бирга» шаклида бир нафар шахс номига бирга дам олувчилар сонини кўрсатган ҳолда соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

11. 2026 йил якунига қадар Миллий туризм ягона платформаси доирасида «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси билан интеграция қилган ҳолда республика ҳудудларига туристлар оқимлари (тоифаларга қараб) ва уларнинг хоҳишларини таҳлил қилиш, персоналлаштирилган маршрутлар ва таклифларни яратиш, шунингдек, нарх шаклланиши ва ресурслар тақсимланиши каби имкониятларни назарда тутувчи сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш тизими жорий этилсин.

VI. Соҳада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш

12. Туризм хизматлари сифатини ошириш мақсадида Бутунжаҳон туризм ташкилоти шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампусида туризм соҳаси субъектлари ходимларининг малакасини ошириш (1 ойгача) ҳамда уларни қайта тайёрлаш (8 ойгача) ўқув курслари ташкил этилсин.

VII. Жамғарма харажатларини мақбуллаштириш

13. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Жамғарма кенгаши тузилиб, унинг ижобий қарори бўлмаган лойиҳаларни молиялаштириш бюджет ҳамда смета-штат интизомини бузиш ҳисобланади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган лойиҳалар ҳамда Қўмита, шу жумладан, унинг тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар мустасно;

(б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг натижадорлиги Жамғарма кенгаши томонидан доимий равишда баҳолаб борилади;

(в) Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармасига туристик (меҳмонхона) йиғимдан келиб тушадиган тушумлардан ўтказиладиган маблағ миқдори амалдаги 10 фоиздан 5 фоизга камайтирилади.

14. Қўмита Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма манбалари ҳисобидан вазирлик ва идораларга ажратмаларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Туризмни жадал ривожлантириш ва ушбу соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти ҳузурида Туризм соҳасидаги ислохотлар штаби фаолияти йўлга қўйилсин.

17. Белгилансинки:

(а) Туризм соҳасидаги ислохотлар штаби ҳудудлар, тармоқлар ҳамда йирик туристик объектлар кесимида туризм соҳасидаги масалаларни мониторинг қилиш ва ҳал қилиш, янги имкониятларни аниқлаш ҳамда ишга солиш чораларини кўриб боради;

(б) Туризм соҳасидаги ислохотлар штабига жалб қилинган (хизмат сафарига юборилган) давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шартлари тўлиқ сақлаб қолинади ҳамда хизмат сафари давомида уларнинг асосий иш жойи бўйича бюджет ташкилотларининг мавжуд тасдиқланган бюджет параметрлари ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида ойлик иш ҳақи 20 фоиз миқдорида устама тўланади.

18. Қўмита:

(а) бир ой муддатда Туризм қўмитаси тўғрисидаги низомни;

(б) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Қўмита Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳқўчаси 1076-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Туризм қўмитаси раиси белгилансин.

21. Ушбу қарор ижросини муҳофафа қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғи Г.О. Умерова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 ноябрь,
ПҚ–348-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги
ПҚ–348-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятининг
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Туризм турларини диверсификация қилиш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш, ташқи ва ички туризмни ҳар томонлама кенгайтириш, янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш.

2. Туристик хизматларнинг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакатнинг туристик нуфузини янада ривожлантириш, бебаҳо туризм салоҳиятини оммалаштириш ва тарғиб қилиш, миллий туристик маҳсулотлар ва туризм брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш.

3. Туристик инфратузилмани шакллантириш, шу жумладан, туристик объектларни жойлаштириш учун имконият юқори бўлган ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, инвесторларни жалб қилиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама қўмаклашиш, туристик объектларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш.

4. Туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишни мақбуллаштириш, туристик хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

5. Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, туризм соҳаси субъектлари ходимларини мунтазам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, соҳада илм-фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.

6. Мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш.

7. Республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, туризмнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, янги туристик маҳсулотларни яратиш, уларни паспортлаштириш, туризм соҳасидаги ягона реестрларни шакллантириш.

8. Туристлик объектларда, овқатланиш жойларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш вақтида ва ташрифларни ташкил этишда туристлар хавфсизлиги ҳамда соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туристик хизматларни кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг стандартларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш.

9. Республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

10. Туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, шунингдек, хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги
ПҚ-348-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг
хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари томонидан
бажариладиган вазифалар**

I. Миллий туристик маҳсулотлар маркетинги

1. Тегишли давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли маркетинг стратегияларини (телевидение, интернет ва ижтимоий тармоқлар, босма нашрлар, ташқи реклама орқали) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Оммавий ахборот воситалари ва фикр етакчилари (инфлюенсерлар) билан ишлаш, шу жумладан, журналистлар, блогерлар ва туроператорлар учун матбуот анжуманлари ва пресс турлар ташкил этиш, ижобий ахборот фонини яратиш.

3. Маҳаллий тилларда рақамли маркетинг ўтказиш, шу жумладан, миллий туризм ягона платформаси ва ижтимоий тармоқларни оммалаштириш, онлайн кампанияларни йўлга қўйиш.

4. Маҳаллий тилларда миллий туризм имкониятлари ҳақида долзарб каталоглар, брошюралар, хариталар ва видеоматериаллар тайёрлаш ва тарқатиш.

5. Халқаро туристик кўргазмалар ва ярмаркаларда миллий стендни ташкил этиш, янги маҳсулотлар ва йўналишларни тақдимот қилиш.

**II. Туристик бизнес вакиллари ва ташкилотлар билан
ҳамкорлик қилиш**

1. Миллий туристик маҳсулотларни ўз туристик пакетларига қўшиш учун етакчи туроператорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш.

2. Маҳаллий туристик бизнес вакиллари учун «B2B» тадбирларини ташкил этиш, шу жумладан, роуд-шоулар, тақдимотлар ва воркшоплар ўтказиш.

3. Республика билан ишлашдан манфаатдор бўлган чет эллик туристик компаниялар учун «ягона дарча» тамойилини йўлга қўйиш.

4. Маҳаллий бозордаги талабни ўрганган ҳолда Туризм қўмитаси учун янги туристик маҳсулотларни яратиш ва мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

III. Ахборот ва таҳлилий фаолият

1. Тегишли давлатдаги тенденциялар, рақобат муҳити, туристик хизматлар истеъмолчиларининг ҳаракати ва уларга бўлган талабини доимий равишда таҳлил қилиш.

2. Туристлар, туроператорлар ва оммавий ахборот воситаларидан миллий

туристик маҳсулотлар сифати ва улардан фойдаланишга бўлган қизиқиши тўғрисида маълумотлар олиш.

3. Туризм қўмитасига ўз фаолияти, маркетинг кампаниялари самарадорлиги ва стратегияни такомиллаштириб бориш бўйича ҳисоботларни доимий равишда тақдим этиб бориш.

4. Қонунчиликдаги, шу жумладан, туристик оқимга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган виза ва республикага киришга оид талаблардаги ўзгартиришларни кузатиб бориш.

IV. Ижобий миллий имижни яратиш ва оммалаштириш

1. Мамлакатнинг муҳим туризм йўналиши сифатидаги барқарор, жозибадор ва хавфсиз имижни шакллантириш.

2. Умумий мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

3. Визага оид тартиб-таомилларни соддалаштириш, авиақатновларни ва туристик оқимни оширишга хизмат қиладиган бошқа омилларни яхшилашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Мамлакатнинг таниқлилиги ва жозибадорлигини ошириш учун маданий тадбирлар, фестиваллар ва маданият кунларини ташкил этиш.

V. Миллий туристик маҳсулот ҳақидаги хабардорликни ошириш

1. Миллий туристик маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича чет эллик туроператорлар учун ўқув семинарлари ва вебинарлар ўтказиш.

2. Долзарб таклифлар, чегирмалар ва махсус турлар ҳақида ахборот тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги
ПҚ-348-сон қарорига
5-ИЛОВА

Туризм соҳаси субъектлари учун айрим имтиёзларни қўллаш ТАРТИБИ

I. Мазкур қарор 8-банди «г» кичик бандининг иккинчи хатбошиси бўйича

1. Имтиёз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган, «Евро-5» ва ундан юқори экологик стандарт талабларига мос келадиган автобус ва ҳайдовчи ўриндигидан ташқари саккиз ва ундан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар учун тақдим этилади.

2. Имтиёз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган электробуслар учун ҳам тақдим этилади.

3. Импорт қилинган автобуслар, электробус ва микроавтобуслар импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил давомида бошқа шахсга сотилган ёки ўтказилган ёхуд ижарага берилган тақдирда, тақдим этилган имтиёз бекор қилинади ҳамда божхона божи белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади.

II. Мазкур қарор 8-банди «г» кичик бандининг учинчи хатбошиси бўйича

4. Транспорт воситаси импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фойдаланилгани, бошқа шахсларга сотилгани ёки ўтказилгани ёхуд ижарага берилгани аниқланган тақдирда, божхона божи ва утилизация йиғими тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади.

III. Мазкур қарор 8-банди «г» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси бўйича

5. Имтиёз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган, «Евро-5» ва ундан юқори экологик стандарт талабларига мос келадиган автобус ва ҳайдовчи ўриндигидан ташқари саккиз ва ундан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар учун тақдим этилади.

6. Имтиёз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган электробуслар учун ҳам тақдим этилади.

7. Импорт қилинган автобус, электробус ва микроавтобуслар импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил давомида бошқа шахсга сотилган ёки ўтказилган ёхуд ижарага берилган тақдирда, тақдим этилган имтиёз бекор қилинади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда транспорт воситасини импорт қилган шахсга молиявий санкция қўлланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

718 Бутунжаҳон туризм ташкилоти шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари учун замонавий талабларга мувофиқ рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (кейинги ўринларда — Бутунжаҳон туризм ташкилоти) шафелигида ташкил этилган Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси (кейинги ўринларда — Академия) фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) дунёнинг энг нуфузли топ-10 рейтингига кирган таълим ташкилоти билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;

(б) 2025 — 2028 йилларда туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бораётган 2,8 минг нафар мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(в) 1 ойгача бўлган малака ошириш ҳамда 8 ойгача бўлган қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш.

II. Академия фаолиятини йўлга қўйиш

2. Белгилансинки:

(а) Академия «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетининг (кейинги ўринларда — Университет) ташкилий тузилмасига киради;

(б) Академияда ўқитиш Ўзбекистон Республикасида амалдаги таълим шаклларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида амалга оширилади;

(в) қайта тайёрлаш ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга ва малака ошириш ўқув курсларини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга сертификат берилади;

(г) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб туризм соҳаси субъектлари мутахассислари ўз маблағлари ҳамда иш берувчи ва буюртмачи ташкилотларнинг маблағлари (бюджетдан ташқари маблағлари) ҳисобидан шартнома асосида қайта тайёрланади ва малакаси оширилади;

(д) Университет васийлик кенгашига Академиянинг тузилмасини ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади;

(ж) Академияга Туризм қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Уни-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

верситет ректори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

3. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

(а) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг инновацион шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

(б) замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаган ҳолда туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари учун юқори малакали профессионал кадрларни миллий ва халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлашни таъминлаш;

(в) таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларидаги таълим муассасаларига етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини жорий қилиш;

(г) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари субъектлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

(д) таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

(ж) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатларнинг соҳадаги етакчи муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

(з) етакчи хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда ҳамкорликда ўқув дастурларини амалга ошириш.

4. Туризм қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

(а) Академия тузилмасида туризмнинг экологияга салбий таъсирини камайитиш йўналишида халқаро илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Глобал яшил туризм стартаплари лабораториясини (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этиш;

(б) Университет тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Бадий галерея» ўқув лабораториясини ташкил этиш.

III. Молиявий ресурслар

5. Қуйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

(б) Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

(в) илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

(г) илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

(д) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

(ж) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб ҳар йили Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо давлатларнинг 100 нафар иқтидорли мутахассисларига Академиянинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларида таълим олиш учун махсус грант ажратилади;

(б) Академияни сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Туризм қўмитасига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

(в) Академия ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда моддий рағбатлантириш Университет ходимлари учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйидаги мақсадлар учун 50 миллиард сўмгача маблағлар Академияга ажратилишини таъминласин:

(а) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида мутахассислар тайёрлаш бўйича дунёнинг энг нуфузли топ-10 рейтингига кирган таълим ташкилоти билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;

(б) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида халқаро тан олинган етакчи хорижий ташкилотлар мутахассисларини жалб қилиш орқали Академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда республиканинг туристлар оқими юқори бўлган ҳудудларидаги меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларининг халқаро даражада малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш;

(в) туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари учун мутахассислар тайёрловчи халқаро тан олинган таълим ташкилотларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

8. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб «Бадий галерея» ўқув лабораторияси ва Лаборатория фаолияти Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Университет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Туризм қўмитаси:

(а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Академияда ўқув жараёнини ташкил этиш учун малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан, хориждан ўқитувчилар, олимлар ва мутахассислар жалб этилишини;

(б) Университет васийлик кенгаши билан биргаликда туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича белгиланган муддатларда ўқув жараёни бошланишини таъминласин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Туризм қўмитаси билан биргаликда дипломатик каналлар орқали Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо давлатларнинг мутахассисларига Академияда махсус грант дастури асосида таълим олишда мазкур қарор билан берилган имкониятлар тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилишини таъминласин.

11. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Давлат активлари-ни бошқариш агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўн кун муддатда Самарқанд шаҳри Гўрўғли кўчаси 13-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар туташ ҳудудлари билан биргаликда Университет балансига беғараз ўтказиб берилишини таъминласин.

12. Самарқанд вилояти ҳокимлиги вилоят стоматология поликлиникаси-ни кўчириш ҳамда унга зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин.

13. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Академия фаолиятини такомиллаштириш, «Бадий галерея» ўқув лабораторияси ва Лаборатория фаолиятини йўлга қўйишни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Туризм қўмитаси раиси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А.М. Бобоев белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 ноябрь,
ПҚ–350-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

719 Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 17 апрелдаги ПҚ–161-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 17 апрелдаги ПҚ–161-сон қарорига мувофиқ:

MSK-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори балли сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган тегишли янги биноларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашга замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада оширишнинг замонавий тизимини яратиш;

янги қурилиши режалаштирилаётган ва хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларга бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш;

хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларни ҳудуднинг зилзилалар кучини кўрсатиб берувчи минтақавий акселерограммалар базаларидан келиб чиқиб лойиҳалаштириш ва қуриш тартиби жорий этилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш ҳамда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага**;

MSK-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори балли сейсмик фаол зоналар қайд этилган ҳудудларнинг рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

а) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб Фанлар академияси билан биргаликда зилзилалар кучини кўрсатиб берувчи минтақавий акселерограммалар базаларидан келиб чиқиб лойиҳалаштириш амалиётини йўлга қўйсин;

б) 2026 йил 1 декабрга қадар юк кўтарувчи конструкцияларни автома-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тик мониторинг қилиш ускунасини қўллаш шартлари ва услубиётини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

в) 2027 йил 1 октябрга қадар MSK-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори балли сейсмик фаол зоналарда махсус сейсмик ҳимоялаш ускуналари ёрдамида лойиҳалаштиришга устуворлик бериладиган объектлар турларини тасдиқласин.

4. Белгилансинки 2026 йил 1 февралдан бошлаб:

а) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги 603-сон қарори талаблари асосида бериладиган зилзилабардошлик бўйича илмий хулоса учун ундириладиган тўлов миқдори 50 фоизга қисқартирилади;

бир хил серияли объектларга илмий хулосалар фақат бир маротаба тўлов асосида берилади, қолган шу турдаги объектларнинг лойиҳаларига илмий хулоса бериш учун тўлов ундирилмайди;

б) Фанлар академияси томонидан:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар бериш «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига интеграция қилинади;

зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига жойлаштириб борилади ҳамда уларнинг электрон реестрини юритиш йўлга қўйилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилишга қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.С. Ҳидоятов ҳамда Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов масъул этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 ноябрь,
727-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 ноябрдаги 727-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкам-лигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизи-мини жорий этиш тўғрисида» 2021 йил 30 июндаги 405-сон қарорида:

а) 6-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«буюртмачи функцияси мавжуд вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг инструментал-техник текширув билан боғлиқ харажатларини объектларнинг лойиҳа-смета ҳуж-жатларидаги буюртмачи харажатларида кўзда тутиш»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хат-бошилар деб ҳисоблансин;

б) илованинг 14-банди қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хат-бошилар билан тўлдирилсин:

«Буюртмачи функцияси мавжуд вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг инструментал-техник текширув билан боғлиқ харажатлари объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжат-ларидаги буюртмачи харажатларида кўзда тутилади.

Сейсмик фаол зоналарда жойлашган ва фойдаланишга қабул қилинган-лиги 10 йилдан ошган III-IV тоифадаги бино ва иншоотларнинг инструмен-тал-техник текширув билан боғлиқ харажатлари объектнинг техник ҳолати-га қараб, эксплуатация қилиш харажатларида кўзда тутилиши шарт».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги 603-сон қарори билан тасдиқланган Республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Илмий тажриба-синов ўтказиш ҳамда илмий хулоса бериш бўйича Фанлар академияси ва буюртмачи ташкилот ўртасида шартнома тузилади.

Шартнома қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 579-сон қарори билан тасдиқланган Объектларни қуриш, реконструкция қи-лиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжат-ларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-илованинг 5-банди асосида шаклланган қийматнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Объект туридан келиб чиқиб шаклланган қийматни ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан мақбуллаштирилиши мумкин.

Тушган маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш учун, қолган 75 фоизи моддий-техника базани мустаҳкамлашга сарфланади.

Шунингдек, давлат бюджети ва унга тенглаштирилган манбалар, давлат ташкилотлари кафолатлари остида олинган ташқи инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фойдали қазилма конларни аниқлаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича истиқболли лойиҳаларни илмий тажриба-синовдан ўтказиб, илмий хулосалар бериш бўйича хизматлар ҳақи алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда шартнома қиймати қурилишнинг бошланғич қийматидан ҚҚСни инобатга олмаган ҳолда 0,01 фоиз, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Бир хил серияли лойиҳалаштирилган объектларга илмий хулосалар фақат бир маротаба тўлов асосида берилади, қолган шу турдаги объектларнинг лойиҳаларига илмий хулоса бериш учун тўлов ундирилмайди»;

11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар олиш учун давлат муассасаси шаклидаги бошқа илмий тадқиқот институтларига ҳам юборилиши мумкин.

Бунда, илмий тадқиқот институтлари томонидан зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар бериш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

720 Дафн этиш ишларини ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада самарали назорат қилиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Вафот этган шахсларни дафн этишга рухсат бериш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлигининг вафот этган шахсларни дафн этишга рухсат бериш ва рўйхатга олиш жараёнларини рақамлаштириш, мазкур ишларни электрон ахборот тизими орқали мониторинг қилиб бориш ҳамда аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган янги электрон хизматларни жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимининг «Дафн этиш ишларини рўйхатга олиш ягона электрон дафтари» модулини (кейинги ўринларда — электрон модуль) ва унинг мобиль иловасини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этсин. Бунда:

а) Адлия вазирлиги электрон модулнинг мулкдори ва оператори ҳисобланади, электрон модулни ишлаб чиқиш ва уни юритиш ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатлари вазирликнинг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) электрон модуль ва унинг мобиль иловаси қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

вафот этган шахснинг ўлими қайд этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (гербли гувоҳнома, QR-кодли маълумотнома ва бошқалар) рақамини кириштириш орқали вафот этган шахс ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда тўлдириш;

вафот этган шахсни дафн этишга рухсат берилгани, қабрнинг сектори, участкаси, қатори ва рақамини автоматик равишда шакллантириш ҳамда изчил кетма-кетликда рақамлаш;

вафот этган шахснинг дафн этилгани ҳақидаги маълумотларни «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида сақлаш;

қабр тайёрлатиш, қабрни ва қабр усти ёдгорликларини обод ҳолатга келтириш каби хизматларга мобиль илова орқали фуқаролар томонидан электрон (онлайн) ариза ёки буюртмалар бериш, қабристон мудири (назоратчиси) ҳақида очиқ маълумотлар (Ф.И.О, телефон рақами) билан танишиш;

пулли хизматлар учун тўловлар миқдорини автоматик тарзда ҳисоблаш, электрон квитанциялар (инвойс) шакллантириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

ихтиёрий хайр-эҳсонларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари, фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармалари билан онлайн тарзда шартномалар тузиш;

электрон модуль ва унинг мобиль иловасидан тўғри фойдаланилишини ҳамда ўз вақтида маълумотлар киритилишини мониторинг қилиш, қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан қабристон мудирларига (назоратчиларига) эслатмалар юбориш.

3. Белгилансинки, 2026 йил 1 мартдан бошлаб:

вафот этган шахснинг ўлими қайд этилгандан сўнг реал вақт режимида унинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома бепул юборилади (ҳужжатнинг қоғоз шаклига қўшимча равишда);

ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома гербли гувоҳномага тенглаштирилади;

ФХДЁ органларидан ўлим қайд этилгани ҳақида гербли гувоҳномани олиш юзасидан тиббиёт муассасасида электрон буюртма, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн ариза бериш имкониятлари яратилади. Бунда гербли гувоҳнома манфаатдор шахс буюртма қилган манзилга почта алоқаси орқали етказиб берилади.

4. Қуйидагилар:

«ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимининг «Дафн этиш ишларини рўйхатга олиш ягона электрон дафтари» модули ва унинг мобиль иловаси орқали кўрсатиладиган хизматлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Дафн этиш ишларини ташкил этиш ва ҳисобини юритиш тизимини тақомиллаштириш ҳамда соҳада самарали назорат қилиш механизмларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида дафн этиш ишларини амалга оширишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

а) қабристон мудир (назоратчиси) томонидан вафот этган шахсларни дафн этишга рухсат бериш фақат электрон модуль ёки унинг мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бунда:

манфаатдор шахслар томонидан вафот этган шахснинг ўлими қайд этилгани ҳақида қабристон мудир (назоратчиси)га хабар берилади (ўлим қайд этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (гербли гувоҳнома, QR-кодли маълумотнома ва бошқалар) рақами маълум қилинади);

қабристон мудир (назоратчиси) электрон модулга ўлим қайд этилганини тасдиқловчи ҳужжат рақамини киритиб, дафн этиш санаси ва қабрнинг жойлашуви, вафот этган шахс ҳақида (Ф.И.О, туғилган санаси), ўлим сабаби (вақти), ўлим қайд этилгани ҳақидаги ҳужжатнинг рақами, манфаатдор шахс тўғрисидаги маълумотларни электрон тўлдиради;

электрон модулдаги маълумотлар қабристон мудир (назоратчиси) томо-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нидан тасдиқлангандан кейин дафн этишга рухсат берилади ҳамда электрон модулга вафот этган шахснинг дафн этилгани ҳақида белги киритилади;

б) Тошкент шаҳри ҳокимлигининг Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг тегишли қабристонга бириктирилган масъул ходими ўзига бириктирилган қабристонларда дафн этиш ишларини мониторинг қилиб боради. Бунда:

қабристон назоратчисининг ўлимни тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаган ҳолда дафн этиш билан боғлиқ ҳаракати аниқланганда, электрон модуль орқали ушбу қонунбузилиш ҳолати ҳақида Тошкент шаҳар адлия бошқармасига хабарнома юборади;

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси келиб тушган хабарнома асосида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши юзасидан қабристон мудир (назоратчиси)нинг жавобгарлиги масаласини ҳал этади ҳамда дафн этилган шахснинг ўлимини қайд қилиш чораларини кўради;

в) қабристон мудирлари (назоратчилари) томонидан дафн этиш ишларини рўйхатдан ўтказишни қоғоз шаклида юритиш тартиби бекор қилинади.

Адлия вазирлиги эксперимент натижаси бўйича мазкур тартибни келгусида республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритсин.

6. Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг электрон модулнинг мобиль иловаси орқали ихтиёрий хайр-эҳсонлар қилишнинг қўйидаги соддалаштирилган тартибини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

фуқаролар исталган қабристонга онлайн шаклда ихтиёрий хайр-эҳсон қилишни ҳамда ушбу маблағлар бўйича қабристонни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларнинг аниқ турлари ва фойдаланиш шартини мустақил белгилайди;

туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш ва сарфлаш бўйича шахсий ҳисобварағида ҳар бир қабристон бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақ (карточка) очиш йўли билан хайр-эҳсон маблағлари тегишли тартибда тақсимланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 январдан 1 июлга қадар эксперимент тариқасида:

Тошкент шаҳрининг Учтепа ва Миробод туманларида қабристон ҳудудидаги пломбаланган турғун металл қутиларда хайр-эҳсонларни йиғишни нақд пул (банкнотлар ва тангалар) кўринишида амалга ошириш тартиби бекор қилинади;

турғун металл қутиларга ўрнатилган QR-код тасвири воситасида банк пластик карталари орқали нақд пулсиз онлайн шаклда ихтиёрий хайр-эҳсонларни амалга ошириш жорий этилади.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги эксперимент натижаси бўйича ихтиёрий хайр-эҳсонларни келгусида ушбу бандда белгиланган тартиб асосида босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2027 йил якунига қадар қоғоз кўринишидаги ҳужжатларда сақланиб келинаётган дафн этилган шахслар ҳақидаги сўнгги 50 йиллик мавжуд маълумотлар электрон модулга киритилиши ва рақамлаштирилишини таъминласин.

9. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 ноябрь,
735-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 21 ноябрдаги 735-сон қарорига
1-ИЛОВА

«ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот
тизимининг «Дафн этиш ишларини рўйхатга олиш ягона
электрон дафтари» модули ва унинг мобиль иловаси орқали
кўрсатиладиган хизматлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Хизмат номи
1.	Яқин қариндоши дафн этилган қабристон ва қабр рақамини аниқлаш хизмати
2.	Яқин қариндоши дафн этилган қабрга гул экиш ва сувоқ қилиш хизмати
3.	Қабр тайёрлаш хизмати
4.	Қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш хизмати
5.	Дафн маросимларини ўтказиш учун махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланиш хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

721 Фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидларини амалга оширишда шаффофлик ва рақобат тамойилларига риоя этган ҳолда, давлат буюртмачилари ҳамда аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самардорлиги кафолатланган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

давлат хариди электрон тизими операторининг электрон тизимида «Farma.harid.uz» модулини (кейинги ўринларда — Модуль) яратиш;

давлат буюртмачилари томонидан дори воситалари ва тиббий жиҳозлар (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари) бўйича давлат харидларини мажбурий равишда Модуль орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш;

ушбу мақсадларда Модулни дастлабки босқичда «Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси» АЖнинг электрон тизимида жорий этиш.

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

а) давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган фармацевтика маҳсулотлари билан:

дори воситалари бўйича «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» сертификатига эга ишлаб чиқарувчилар;

тиббий жиҳозлар бўйича «ISO:13485» сертификатига эга ишлаб чиқарувчилар;

«Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» сертификатига эга дори воситаларини улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар (дистрибьюторлар) дори воситалари ва тиббий жиҳозлар бўйича давлат харидларида иштирок этишига рухсат берилади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда фармацевтика маҳсулотлари гувоҳнома ва (ёки) сертификатларнинг амал қилиш муддати давомида ишлаб чиқарилган бўлиши талаб этилади;

б) фармацевтика маҳсулотларининг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномаси ва иштирокчиларнинг сертификатлари «Электрон ҳукумат» идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида Модуль орқали автоматик тарзда текширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартдан бошлаб Андижон ва Наманган вилоятларида рўйхатдан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

ўтган давлат буюртмачилари, 2026 йил 1 июлдан бошлаб эса барча давлат буюртмачилари томонидан фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидлари Модуль орқали амалга оширилишини таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва давлат харидлари электрон тизими оператори билан биргаликда уч ой муддатда Модульда фармацевтика маҳсулотларининг бошланғич нархини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш имкониятларини яратсин;

маркетинг тадқиқотлари тўғри ўтказилишини тизимли мониторинг қилиб борсин.

5. Фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидлари жараёнларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январдан бошлаб «Pharma.gov.uz» порталида (кейинги ўринларда — Портал):

давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторидан фойдаланиб ҳамда харидлар ҳажмларини кўрсатган ҳолда, барча фармацевтика маҳсулотларининг реестрини;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» сертификатига эга дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар, «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» сертификатига эга дистрибьюторлар ва «ISO:13485» сертификатига эга тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчиларининг реестрини шакллантирсин ҳамда жамоатчилик учун эълон қилиб борсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда:

а) давлат буюртмачилари ва иштирокчилар ўртасида тузиладиган давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда фармацевтика маҳсулотларининг нархи уларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган референт нархларидан юқори бўлмаслигини Модуль орқали автоматик тарзда текширишни жорий қилсин.

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитаси мазкур шартномаларни рўйхатдан ўтказишда (ҳисобга олишда) ушбу тартибга амал қилиниши юзасидан мунтазам равишда мониторингни амалга оширсин;

б) давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда:

дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (ХПН) билан бирга уларнинг савдо номлари ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Порталидаги PharmID рақамларини (кейинги ўринларда — PharmID рақамлари);

тиббий жиҳозларнинг савдо номлари билан бирга уларнинг PharmID рақамларини шакллантирсин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар юқори малакали, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

а) давлат тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш ва қолдиқларини самарали бошқариш бўйича «Электрон эҳтиёж» платформасини ишлаб чиқсин.

Бунда мазкур платформа орқали давлат тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий жиҳозлар оқими назорат қилинади, қолдиқларни самарали бошқариш орқали тиббиёт муассасалари ўртасида қайта тақсимлаш амалиёти йўлга қўйилади;

б) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Модуль ва платформадан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиб, ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ белгиланаётган тартибдан келиб чиқиб, давлат харидлари бўйича бошқа операторларнинг электрон тизимларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 ноябрь,
737-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO'MITASI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

722 **Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
17-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3577-1*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 30-iyundagi 400-son "O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Soliq qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 17-oktabrdagi 184-son, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasining 2024-yil 10-oktabrdagi 2024-21-son va Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi 364-V-son qarori (ro'yxat raqami 3577, 2024-yil 20-noyabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 23.11.2024-y., 10/24/3577/0956-son) bilan tasdiqlangan Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 4-noyabr,
507-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 18-noyabrda e'lon qilingan.

Soliq qo‘mitasi raisi**SH. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 22-oktabr,
2025-23-son

Markaziy bank raisi**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 29-oktabr,
364-B-1-son

O‘zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
4-noyabrdagi 507-son, Soliq qo‘mitasining
2025-yil 22-oktabrdagi 2025-23-son, Markaziy
banki boshqaruvining 2025-yil 29-oktabrdagi
364-B-1-son qaroriga
ILOVA

**Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib
boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg‘arib boriladigan
pensiya badallarini hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 11-banddagi “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasiga” degan so‘zlar “Soliq qo‘mitasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.
2. 12-banddagi “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasiga” degan so‘zlar “Soliq qo‘mitasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

723 Banklarning depozit (omonat) sertifikatlarini chiqarish va muomalada bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
19-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1859-6*

O'zbekiston Respublikasining "Banklardagi omonatlarni himoya qilish kafolatlari to'g'risida"gi, "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlari, 2025-yil 11-fevraldagi O'RQ-1026-son "Mikromoliyalashtirish faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-avgustdagi PF-6044-son "Litsenziyalash va ruxsat berish tartib-taomillarini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 14-avgustdagi 17/2-son qarori (ro'yxat raqami 1859, 2008-yil 24-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 39-son, 400-modda) bilan tasdiqlangan Banklarning depozit (omonat) sertifikatlarini chiqarish va muomalada bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 7-noyabr,
30/1-son

Kelishildi:

**Istiqbolli loyihalar milliy
agentligi direktori**

D. LI

2025-yil 28-oktabr

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
7-noyabrda 30/1-son qaroriga
ILOVA

**Banklarning depozit (omomat) sertifikatlarini chiqarish va
muomalada bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom banklar, shu jumladan mikromoliya banklari tomonidan depozit (omomat) sertifikatlarini chiqarish va ularning muomalada bo'lish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-bandning ikkinchi xatboshisi “istalgan filialidan” degan so'zlardan keyin “(bank xizmatlari ofisidan)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

3. Quyidagi mazmundagi 7¹-band bilan to'ldirilsin:

“7¹. Mikromoliya banklari tomonidan omomat sertifikatlarini jismoniy shaxslar orasida joylashtirish O'zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to'g'risida”gi Qonunining 7-moddasiga asosan bir jismoniy shaxsdan omomatga jalb qilingan pul mablag'lari miqdori O'zbekiston Respublikasining “Banklardagi omomatlarni himoya qilish kafolatlari to'g'risida”gi Qonunida belgilangan kafolatlangan omomat miqdoridan oshmagan holda amalga oshiriladi.”.

4. 10-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sertifikatning ilovalari raqamlangan, sertifikat blankasiga tikilgan va sertifikatni imzolash huquqi berilgan ikki nafar mansabdor shaxs tomonidan imzolangan hamda bank (bank filiali yoki bank xizmatlari ofisi) muhri bilan tasdiqlangan bo'lishi lozim.”.

5. 18-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“18. Depozit (omomat) sertifikati blankalari, shuningdek sertifikatlariga qo'shimcha varaqlar (ilovalar) “Davlat belgisi” mas'uliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqariladi. Sertifikatga qo'shimcha varaqlar (ilovalar) sertifikat blankasi bilan bir vaqtda tayyorlanadi.”.

6. 19-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

7. 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Omomat sertifikati bo'yicha sessiya faqat jismoniy shaxslar o'rtasida, sertifikatni bergan bankda yoki uning filialida (bank xizmatlari ofisida) rasmiylashtiriladi.

Mikromoliya banklari tomonidan omomat sertifikatlari bo'yicha sessiya O'zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to'g'risida”gi Qonunining 7-moddasiga asosan bir jismoniy shaxsdan omomatga jalb qilingan pul mablag'lari miqdori O'zbekiston Respublikasining “Banklardagi omomatlarni himoya qilish kafolatlari to'g'risida”gi Qonunida belgilangan kafolatlangan omomat miqdoridan oshmagan holda amalga oshiriladi.”.

8. 27-band “filialida” degan so'zdan keyin “(bank xizmatlari ofisida)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

9. 33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Sertifikat bo'yicha foizlarni hisoblash Tijorat banklarida foizlarni hisoblash tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3460, 2023-yil 29-sentabr) muvofiq amalga oshiriladi.”.

10. 1-ilovaning matnidagi “Egasining nomi yozilgan omonat sertifikati” degan so'zlar “Omonat sertifikati” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

724 Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3706*

O'zbekiston Respublikasining "Inson a'zolari va to'qimalarining transplantatsiyasi to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF-161-son "Islohotlarni huquqiy jihatdan ta'minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas'uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son "Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini transplantatsiya qilishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 3-noyabr,
2-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil
3-noyabrda 2-son buyrug'iga
ILOVA

**Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy
tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki)
to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik
donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi
xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish (bundan buyon matnda tibbiy tekshiruv deb yuritiladi), retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni (bundan buyon matnda tibbiy xulosalar deb yuritiladi) berish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoida

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

retsipiyent — o'ziga nisbatan inson a'zosining va (yoki) to'qimasining transplantatsiyasi bajariladigan inson;

tirik donor — o'zidan a'zolarining va (yoki) to'qimalarning transplantatsiya uchun olinishiga ixtiyoriy ravishda, bepul asosda, notarial tartibda tasdiqlangan yozma rozilik bergan inson;

transplantatsiya — retsipiyentda mavjud bo'lmagan yoxud shikastlangan, o'zining muhim hayotiy vazifalarini bajarishga qodir bo'lmagan a'zolari va (yoki) to'qimalarni tirik donordan yoki inson murdasidan olingan a'zolarga va (yoki) to'qimalarga jarrohlik amaliyoti yoki muolaja o'tkazish yo'li bilan almashtirish.

**2-bob. Retsipiyent va tirik donorni tibbiy tekshiruvdan
o'tkazish**

2. Retsipiyent va tirik donorni tibbiy tekshiruvdan o'tkazish davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalari tomonidan amalga oshiriladi.

3. Retsipiyent va tirik donor o'z xohishiga ko'ra inson a'zolari va (yoki) to'qimalarining transplantatsiyasini amalga oshirish uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son qarori bilan tasdiqlangan Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini oladigan hamda transplantatsiya qiladigan davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalari ro'yxatida keltirilgan davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalariga (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) murojaat qiladi.

4. Tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori retsipiyent va tirik donor murojaat qilgan kuni:

tibbiyot muassasasiga o'zining tirik donori bilan kelgan retsipiyent bilan dastlabki suhbat o'tkazib, bo'lajak jarrohlik amaliyoti va shu munosabat bilan

ularning sog'lig'ida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan asoratlar haqida tushuntirish beradi, retsippiyent va tirik donordan imzolangan tilxat olish orqali ularni yozma ravishda ogohlantiradi hamda uni videoyozuvga qayd etadi;

retsippiyent va tirik donorga tibbiy tekshiruvdan o'tishi uchun davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalariga yo'llanma beradi.

5. Retsippiyent va tirik donor tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori tomonidan berilgan yo'llanma asosida mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida uch oy ichida tibbiy tekshiruvdan o'tishlari lozim.

Agar tibbiy tekshiruvlardan o'tish muddati uch oydan oshsa, retsippiyent va tirik donor tibbiy tekshiruvlardan qaytadan o'tishlari kerak.

6. Tibbiyot muassasasining davolovchi shifokori tibbiy tekshiruv natijalari to'liq taqdim etilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida ularni tibbiy xulosalarni olish uchun tibbiyot muassasasining tibbiy konsiliumiga taqdim etadi.

3-bob. Tibbiy xulosalarni berish

7. Tibbiy xulosalar retsippiyent va tirik donorga tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori, transplantologi, anesteziologi, nevropatologi, zaruratga ko'ra (qaysi ixtisoslik talab etilishiga qarab) boshqa ixtisosliklar bo'yicha shifokorlardan iborat tarkibdagi mutaxassis-shifokorlarning tibbiy konsiliumi tomonidan beriladi.

8. Tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumi tibbiy tekshiruvning natijalari taqdim etilgan kuni:

retsippiyent va tirik donorning tibbiy tekshiruv natijalarini ko'rib chiqadi;

retsippiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi, tirik donorga esa transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risida tibbiy xulosani mazkur Nizomning 2 va 3-ilovalarida* keltirilgan shakllarga muvofiq beradi yoki xulosa berishni rad etadi.

Bunda tibbiy xulosalar tibbiy konsilium tarkibidagi barcha mutaxassis — shifokorlar tomonidan bir ovozdan ijobiy maqullangan taqdirda beriladi.

9. Tibbiy tekshiruv natijalariga ko'ra transplantatsiya amaliyoti retsippiyent yoki tirik donor uchun quyidagi salbiy oqibatlar olib kelishi mumkin bo'lsa, tibbiy xulosalar berish rad etiladi:

tirik donorning sog'lig'iga, ko'rish, nutq, eshitish qobiliyatining yo'qolishiga olib kelsa;

inson a'zosining (bundan insonning transplantatsiya qilinayotgan a'zosi va (yoki) to'qimasi mustasno) funksiyalari qisman yoki to'liq yo'qolishiga olib kelsa;

ruhiyatning buzilishiga olib kelsa;

mehnat qobiliyatining o'ttiz uch foizdan ortiq barqaror yo'qolishiga olib kelsa;

sog'lig'ining boshqa buzilishlariga sabab bo'ladigan tarzda ziyon yetkazishiga olib kelsa.

10. Tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumi tomonidan tibbiy xulosalar berish rad etilgan taqdirda retsippiyent va (yoki) tirik donor, tibbiy xulosalar

* 1 — 3-Ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

berish rad etilganligi ustidan yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

4-bob. Yakunlovchi qoida

11. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradilar.

O'ZBEKISTON BADIY AKADEMIYASI RAISING
BUYRUG'I

725

Davlat xizmatlari yagona reyestrini yuritish tartibi
to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida**O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3707*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF-157-son
“Davlat xizmatlarini ko'rsatish tizimini takomillashtirish hamda sohada
byurokratik tartibotlarni tubdan qisqartirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar
to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat xizmatlari yagona reyestrini yuritish tartibi to'g'risida nizom ilovaga
muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq 2026-yil 1-yanvardan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir**A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 21-noyabr,
25-mh-son

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 21-noyabrdagi
25-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Davlat xizmatlari yagona reyestrini yuritish
tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom Davlat xizmatlari yagona reyestrini (bundan buyon matnda
Reyestr deb yuritiladi) yuritish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

davlat xizmati — ariza beruvchilarning so'rovlariga ko'ra amalga
oshiriladigan, davlat organlarining vazifalarini bajarish bo'yicha ular tomonidan
ko'rsatiladigan xizmat. Agar qonunchilikka muvofiq davlat xizmatlari ko'rsatish
funksiyalari boshqa tashkilotlar zimmasiga yuklatilgan bo'lsa, ular ham davlat
xizmatini ko'rsatishlari mumkin;

davlat xizmatining pasporti — davlat xizmatining tavsifi va undan
foydalanish bo'yicha ma'lumotlarni o'z ichiga olgan axborot;

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-noyabrda e'lon qilingan.

davlat xizmatini ko'rsatish nuqtasi — davlat xizmatidan foydalanish uchun bevosita ariza beriladigan va davlat xizmati ko'rsatish natijasini taqdim etadigan tashkilot yoki axborot tizimi;

davlat xizmati bilan bog'liq hayotiy vaziyatlar — jismoniy shaxslarning hayotida yoki yuridik shaxslar faoliyatida muayyan fakt yuz bergandan so'ng foydalanish ehtiyoji tug'iladigan davlat xizmatlari;

vakolatli organ — O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi.

2. Reyestrda ma'lumotlar jismoniy va yuridik shaxslar uchun ochiq hisoblanadi.

3. Reyestr davlat tilida yuritiladi.

2-bob. Reyestr tarkibiga kiritiladigan ma'lumotlarning turlari

4. Reyestr mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq namunaviy shaklda "Davlat xizmatlari" avtomatlashtirilgan onlayn axborot tizimi (bundan buyon matnda axborot tizimi deb yuritiladi) orqali shakllantiriladi va yuritiladi.

Reyestrni shakllantirish va yuritish vakolatli organ tomonidan amalga oshiriladi.

Vakolatli organ tomonidan har bir davlat xizmati bo'yicha mazkur Nizomning 2-ilovasiga* muvofiq shaklda davlat xizmatining pasporti shakllantiriladi hamda axborot tizimida ushbu pasport bilan tanishish imkoniyati yaratiladi.

5. Vakolatli organing davlat xizmatlarini tahlil qilish va rivojlantirish bo'yicha mas'ul tarkibiy tuzilmasi Reyestrni shakllantirish va yuritishni ta'minlovchi mas'ul ishchi organ hisoblanadi.

6. Davlat xizmatining pasportida quyidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi:

davlat xizmatining nomi;

davlat xizmati kichik turining nomi;

ariza beruvchilar toifasi;

davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilot;

davlat xizmatini ko'rsatishda kelishiladigan organ(lar);

davlat xizmatini ko'rsatish nuqtasi;

davlat xizmatidan foydalanish uchun taqdim qilinadigan hujjatlar;

davlat xizmati ko'rsatilganligi uchun to'lov miqdori (yig'im, davlat boji yoki boshqa turdagi to'lov);

davlat xizmatini ko'rsatish muddati;

davlat xizmatidan foydalanish uchun zarur talab va shartlar;

davlat xizmatini ko'rsatish natijasi;

davlat xizmatini ko'rsatish natijasining amal qilish muddati;

o'zaro bog'liq davlat xizmatlari;

davlat xizmati ko'rsatishni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjat;

davlat xizmati bilan bog'liq hayotiy vaziyatlar;

davlat xizmatining kompozit yoki proaktivligi;

davlat xizmatini ko'rsatish statistikasi (agar mavjud bo'lsa);

izoh.

* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

7. Davlat xizmati axborot resursi orqali ko'rsatilganda, unda giperhavola joylashtiriladi.

3-bob. Davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish

8. Davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish davlat xizmati ko'rsatishni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlar asosida amalga oshiriladi.

9. Qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatga asosan davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish, agar normativ-huquqiy hujjatning o'zida boshqacha muddat belgilanmagan bo'lsa, vakolatli organ tomonidan normativ-huquqiy hujjat rasmiy e'lon qilingan kundan boshlab 10 kun ichida amalga oshirilishi lozim.

Bunda, ishchi organ normativ-huquqiy hujjat rasmiy e'lon qilingan kundan boshlab 5 kun ichida davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish bo'yicha takliflarni va davlat xizmatining pasportini (yangi davlat xizmati kiritiladigan holatlarda) o'z ichiga olgan xulosani shakllantiradi hamda adliya vazirining o'rinbosariga taqdim etadi.

10. Adliya vazirining o'rinbosari davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish bo'yicha ishchi organ tomonidan taqdim etilgan xulosani u taqdim etilgan kundan boshlab 3 kun ichida ko'rib chiqadi va tasdiqlaydi.

Davlat xizmatini Reyestrda kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish bo'yicha xulosa tasdiqlanganidan so'ng vakolatli organ tomonidan 2 kun ichida axborot tizimiga tegishli o'zgartirishlar kiritiladi.

11. Reyestrda davlat xizmatini chiqarish uchun quyidagilardan biri asos bo'ladi:

qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatga asosan davlat xizmatining bekor bo'lishi;

davlat xizmatini ko'rsatish vakolati davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotda qoldirilmagan xususiy sektorga (monopol bo'lmagan tashkilotlarga) to'liq o'tkazilishi;

davlat xizmatini ko'rsatishni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatning amalda o'z huquqiy ahamiyatini yo'qotganligi sababli o'z kuchini yo'qotishi.

4-bob. Vakolatli organ va davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlarning huquqlari va majburiyatlari

12. Davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlar Reyestrda ma'lumotlarning o'z vaqtida o'zgartirib borilishini ta'minlash hamda uni takomillashtirish bo'yicha o'z takliflarini vakolatli organga taqdim etishlari mumkin.

Bunda, takliflar davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlar tomonidan yozma yoki axborot tizimi orqali elektron shaklda taqdim etilishi mumkin.

13. Vakolatli organ quyidagi huquqlarga ega:

Reyestrni shakllantirish va yuritishni ta'minlash uchun davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlardan davlat xizmatlariga oid ma'lumotlar va hujjatlarni olish;

davlat xizmatlarini ko'rsatish holati bo'yicha so'rovlar o'tkazish.

14. Vakolatli organ quyidagilarga majbur:

davlat xizmatini ko'rsatuvchi tashkilotlardan Reyestrni takomillashtirish bo'yicha kelib tushgan takliflarni ko'rib chiqish;

normativ-huquqiy hujjat qabul qilinganda mazkur Nizomda belgilangan tartibda davlat xizmatini Reyestrga kiritish va undan chiqarish, davlat xizmati ma'lumotlariga o'zgartirish kiritish;

davlat xizmatlarini ko'rsatish holatini axborot tizimi orqali tizimli tahlil va monitoring qilish;

jismoniy va yuridik shaxslarning Reyestrda foydalanishi uchun qulay sharoit yaratish;

davlat xizmatlariga oid ma'lumotlarni shakllantirishda o'zaro idoralararo hamkorlikni amalga oshirish.

5-bob. Yakunlovchi qoida

15. Ushbu Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

**726 Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida
retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya
amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi
va kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3708*

O'zbekiston Respublikasining "Inson a'zolari va to'qimalarining transplantatsiyasi to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF-161-son "Islohotlarni huquqiy jihatdan ta'minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas'uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son "Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini transplantatsiya qilishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 3-noyabr,
15-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil
3-noyabrdagi 15-son buyrug'iga
ILOVA

**Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida
retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga
tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va
kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoida

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

retsipiyent — o'ziga nisbatan inson a'zosining va (yoki) to'qimasining transplantatsiyasi bajariladigan inson;

tirik donor — o'zidan a'zolarining va (yoki) to'qimalarning transplantatsiya uchun olinishiga ixtiyoriy ravishda, bepul asosda, notarial tartibda tasdiqlangan yozma rozilik bergan inson;

transplantatsiya — retsipiyentda mavjud bo'lmagan yoxud shikastlangan, o'zining muhim hayotiy vazifalarini bajarishga qodir bo'lmagan a'zolari va (yoki) to'qimalarni tirik donordan yoki inson murdasidan olingan a'zolariga va (yoki) to'qimalarga jarrohlik amaliyoti yoki muolaja o'tkazish yo'li bilan almashtirish.

**2-bob. Retsipiyent va tirik donorni transplantatsiya
amaliyotiga tayyorlash**

2. Retsipiyent va tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-son qarori bilan tasdiqlangan Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini oladigan hamda transplantatsiya qiladigan davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalari ro'yxatida keltirilgan davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalari (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

3. Retsipiyent va tirik donor transplantatsiya amaliyotiga tayyorlanishidan oldin Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatlilik to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3706, 2025-yil 21-noyabr) asosan har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tishlari hamda tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumidan retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi, tirik donorga esa

transplantatsiya amaliyotiga layoqatliliigi to'g'risida tibbiy xulosa (bundan buyon matnda tibbiy xulosa deb yuritiladi) olishlari zarur.

4. Retsipiyent va tirik donor tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumidan tibbiy xulosani olgan kundan boshlab o'n kun ichida uni notarial idoraga taqdim qiladi.

5. Notarial idora retsipiyent va tirik donor murojaat qilgan kuni tirik donorning notarial tartibda roziligini tasdiqlaydi.

6. Retsipiyent va tirik donor notarial tasdiqlangan rozilik olingandan so'ng o'n ish kuni ichida tibbiyot muassasasiga har taraflama tibbiy tekshiruvlar natijalarini, tibbiy xulosani hamda tirik donorning notarial tartibda tasdiqlangan roziligini taqdim qiladi.

7. Tibbiyot muassasasi retsipiyent va tirik donor murojaat qilgan kuni: retsipiyent va tirik donor haqidagi ma'lumotlarni "Donorlar, retsipiyentlar, shuningdek, inson a'zolari va (yoki) to'qimalarining yagona davlat reyestri" axborot tizimiga (bundan buyon matnda Yagona davlat reyestri deb yuritiladi) kiritadi;

retsipiyent va tirik donor juftligi mavjud hollarda retsipiyent va tirik donorni tibbiyot muassasasiga joylashtiradi;

inson murdasi a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiya amaliyoti uchun olinishida donorni Yagona davlat reyestri orqali aniqlaydi.

8. Retsipiyent va tirik donor tibbiyot muassasasiga joylashtirilganidan so'ng, mazkur muassasaning davolovchi shifokori tomonidan ularga transplantatsiya amaliyotini o'tkazish uchun zarur bo'lgan tibbiy tavsiyalar beriladi hamda ularning salomatlik holatini barqarorlashtirish va transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash maqsadida tegishli tibbiy muolajalar amalga oshiriladi.

9. Tibbiyot muassasasining davolovchi shifokori transplantatsiya amaliyotidan bir kun oldin yoki transplantatsiya amaliyoti kuni retsipiyent va tirik donordan bo'lajak transplantatsiya amaliyoti yoki muolaja amalga oshirilishi munosabati bilan o'z sog'lig'i uchun yuzaga kelishi mumkin bo'lgan asoratlar haqida va transplantatsiya amaliyotiga majburlanmayotganligi to'g'risida yana bir marotaba yozma shaklda rozilik oladi hamda uni videoyozuvga qayd etadi.

3-bob. Transplantatsiya amaliyotidan so'ng retsipiyent hamda tirik donorning reabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lishi

10. Retsipiyent va tirik donor transplantatsiya amaliyoti amalga oshirilganidan so'ng, ushbu amaliyotni amalga oshirgan tibbiyot muassasasida ularning sog'lig'i holatini inobatga olib, yigirma bir kungacha reabilitatsiyada bo'lishi lozim.

11. Retsipiyent va tirik donorning reabilitatsiya davridagi umumiy ahvoli tibbiyot muassasasining davolovchi shifokori yoki mas'ul shifokorlar guruhi tomonidan quyidagi chora-tadbirlar bajarilishi bo'yicha muntazam nazorat qilib boriladi:

- jismoniy harakatlarning cheklanishiga rioya etilishi;
- ovqatlanish rejimining to'g'ri tashkil etilishi;
- dori vositalarini qabul qilish tartibiga amal qilinishi;
- tibbiy kuzatuvga rioya etilishi;

gigiyna va sog'lom hayot tarziga amal qilinishi;
infekcion xavfsizlik choralariga qat'iy rioya etilishi.

12. Reabilitatsiya yakunlanganidan so'ng, tibbiyot muassasasi retsipiyent va tirik donorni zarur tibbiy tavsiyalar bilan hududiy tibbiyot muassasalariga dispanser nazoratiga yuboradi.

13. Dispanser nazoratida bo'lgan retsipiyentga mutaxassis-shifokorlar (transplantolog, nefrolog, gepatolog, gematolog, oftalmolog) tomonidan uning sog'lig'i holatidan kelib chiqib, retseptga muvofiq immunosuppressiv dori vositalari bepul beriladi.

14. Retcipiyent va (yoki) tirik donorda transplantatsiya amaliyoti bilan bog'liq asoratlarni yuzaga kelgan taqdirda retsipiyent yoki tirik donor transplantatsiya amaliyotini amalga oshirgan tibbiyot muassasalariga yoki hududiy tibbiyot muassasalariga murojaat qiladi va retsipiyent va (yoki) tirik donorga ushbu tibbiyot muassasalari tomonidan zarur tibbiy yordam ko'rsatilishi ta'minlanadi.

4-bob. Yakunlovchi qoida

15. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING
QARORI

727 “Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish va aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarishda ishtirok etish maxsus huquqi (“oltin aksiya”) bo'yicha davlat vakillarining xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2263-3*

O'zbekiston Respublikasining “Davlat mulkini boshqarish to'g'risida”gi, 2022-yil 29-martdagi O'RQ–760-son “Korporativ boshqaruv tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi va 2025-yil 7-fevraldagi O'RQ–1025-son “Korporativ munosabatlarning huquqiy asoslari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 19-apreldagi 189-son “Xususiylashtirilgan korxonalarni korporativ boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi va 2019-yil 15-maydagi 404-son “O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini tashkil etish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarorlariga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va Davlat aktivlarini boshqarish agentligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo'mitasining 2011-yil 11-avgustdagi 51, 01/12-18/05-son “Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish va aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarishda ishtirok etish maxsus huquqi (“oltin aksiya”) bo'yicha davlat vakillarining xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 2263, 2011-yil 9-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 37-son, 384-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 7-noyabr,
301-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-noyabrda e'lon qilingan.

**Davlat aktivlarini boshqarish
agentligi direktori****A. ORTIKOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 30-oktabr,
01/09-2-14/48-son

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
7-noyabrda 301-son hamda Davlat aktivlarini
boshqarish agentligining 2025-yil 30-oktabrdagi
01/09-2-14/48-son qaroriga
ILOVA

**“Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish va aksiyadorlik
jamiyatlarini boshqarishda ishtirok etish maxsus huquqi (“oltin
aksiya”) bo'yicha davlat vakillarining xizmat haqi to'lovlarini
amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi
qarorga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Qarorda:

1) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish bo'yicha ishonchli
boshqaruvchilarning xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish
tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”;**

2) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish bo'yicha ishonchli
boshqaruvchilarning xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi
nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.”.

2. Nizomda:

1) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish bo'yicha ishonchli
boshqaruvchilarning xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish
tartibi to'g'risidagi
NIZOM”;**

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom davlat ulushlarini ishonchli boshqarish bo'yicha ishonchli
boshqaruvchilarning xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibini belgilaydi.”;

3) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mazkur Nizom davlat ulushi ishonchli boshqaruvga berilgan (O'zbekiston
Respublikasi Prezidenti va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining
qarorlariga muvofiq investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarga berilgan
hollar bundan mustasno) aksiyadorlik jamiyatlari va mas'uliyati cheklangan

jamiyatlarga (bundan buyon matnda xo'jalik jamiyatlari deb yuritiladi) tatbiq etiladi.”;

4) 2-bandda:

ikkinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

uchinchi — beshinchi xatboshilar tegishli ravishda ikkinchi — to'rtinchi xatboshilar deb hisoblansin;

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“davlat ulushi — xo'jalik jamiyatlarining ustav fondlaridagi (ustav kapitallaridagi) davlat organlariga, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga, davlat muassasalariga, shu jumladan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga hamda O'zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasiga tegishli bo'lgan aksiyalar yoki ulushlar;”;

5) 2-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“II. Ishonchli boshqaruvchining xizmat haqi to'lovini shakllantirish manbalari”;

6) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Ishonchli boshqaruvchilarga xizmat haqini to'lash uchun mablag'lar manbai, agar davlat ulushini ishonchli boshqarish shartnomasida o'zgacha tartib nazarda tutilmagan bo'lsa, hisobot yilidagi davlat ulushi bo'yicha davlat byudjetiga tushgan dividendlar hisobidan shakllanadi. Bunda, hisobot yilining to'rtinchi choragi uchun xizmat haqi hisobot yilidan keyingi yilning birinchi choragida davlat byudjetida ushbu maqsadlar uchun nazarda tutilgan mablag'lar doirasida, hisobot yilida davlat byudjetiga dividendlar tushumidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi.

Ishonchli boshqaruvchilarga xizmat haqini to'lash uchun mo'ljallangan, hisobot yilida davlat byudjetiga tushgan davlat ulushi bo'yicha dividendlar yetarli bo'lmaganda yoki ular tushmagan (hisoblanmagan) taqdirda, xizmat haqini to'lash uchun Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasi umumiy mablag'laridan foydalaniladi.”;

7) 4-band va 4-bob o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

8) 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi (bundan buyon matnda Davlat aktivlari agentligi deb yuritiladi) tomonidan har yili davlat ulushlarini boshqarish xarajatlari smetasining loyihasi shartnomalar, davlat ulushlarini ishonchli boshqaruvga bosqichma-bosqich berish grafigi hamda ishonchli boshqaruvchilarning choraklik hisobotlari asosida choraklarga bo'lgan holda ishlab chiqiladi.”;

9) 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Davlat aktivlari agentligi ishonchli boshqaruvchilarga xizmat haqi to'lovlari smetasi bo'yicha hisob-kitoblarni 1-iyuldan kechiktirmay kelgusi yil davlat byudjeti loyihasiga kiritish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligiga belgilangan tartibda taqdim etadi.”;

10) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Ishonchli boshqaruvchilar davlat ulushini ishonchli boshqarish

shartnomasida belgilangan shakl va muddatlarda davlat ulushlarini boshqarish faoliyatlari to'g'risidagi hisobotlarni Davlat aktivlari agentligiga topshiradi.”;

11) 8-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Topshirilgan hisobotlar tahlili asosida Davlat aktivlari agentligi ishonchli boshqaruvchilar xizmat haqi to'lovlari bo'yicha smetani to'lash manbalarini ko'rsatgan holda tayyorlaydi va hisobot davridan keyingi ikkinchi oyning 20-sanasigacha Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etadi.”;

ikkinchi xatboshidagi “Markazga” va “Moliya vazirligiga” degan so'zlar tegishli ravishda “Davlat aktivlari agentligiga” va “Iqtisodiyot va moliya vazirligiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “ishonchli boshqaruvchilar va davlat vakillarining” degan so'zlar “ishonchli boshqaruvchilarning” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “ishonchli boshqaruvchilar va davlat vakillarining” hamda “Markaz va Moliya vazirligi” degan so'zlar tegishli ravishda “ishonchli boshqaruvchilarning” va “Davlat aktivlari agentligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinch xatboshidagi “Markaz” degan so'z “Davlat aktivlari agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 9-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Taqdim etilgan smeta asosida Iqtisodiyot va moliya vazirligi 10 ish kuni ichida ishonchli boshqaruvchilarning xizmat haqlarini to'lash uchun smetaga kiritilgan xo'jalik jamiyatlaridan davlat ulushi bo'yicha tushgan dividendlar hisobidan Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasiga mablag'larni o'tkazadi.”;

ikkinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

uchinchi — o'n ikkinchi xatboshilar tegishli ravishda ikkinchi — o'n birinchi xatboshilar deb hisoblansin;

ikkinchi xatboshidagi “Markaz” degan so'z “Davlat aktivlari agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi va to'rtinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan davlat ulushlari bo'yicha byudjetga to'langan dividendlarning qismi hisobidan Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasiga tegishli mablag'lar kelib tushgan paytdan e'tiboran 10 bank ish kuni ichida;

Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasi umumiy mablag'lari hisobidan 10 bank ish kuni ichida, agar.”;

o'ninchi xatboshidan “hamda qo'shimcha mas'uliyatli” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

o'n birinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

13) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Xizmat haqi to'lovlari Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasiga o'tkazilgandan keyin Davlat aktivlari agentligi bu haqda, shuningdek, shaxsiy hisobvaraqlari yoki hisob-kitob varaqlari to'g'risidagi

ma'lumotni taqdim etish haqida (to'lov birinchi marta amalga oshirilayotgan bo'lsa) ishonchli boshqaruvchilarni davlat ulushini ishonchli boshqarish shartnomasida belgilangan shakl va muddatlarda xabardor qiladi.

Ishonchli boshqaruvchilarning xizmat haqi to'lovlarini to'lash Davlat aktivlari agentligi tomonidan ularning bankdagi shaxsiy hisobvaraqlari yoki hisob-kitob varaqlariga tegishli mablag'larni o'tkazib berish yo'li bilan amalga oshiriladi.”;

14) 11-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Xizmat haqini to'lash uchun nazarda tutilgan va ishonchli boshqaruvchilar tomonidan talab qilinmagan hamda Davlat aktivlari agentligiga tegishli hujjatlarni taqdim etmagani sababli ularning shaxsiy hisobvaraqlari yoki hisob-kitob varaqlariga o'tkazilmagan pul mablag'lari Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasida qoldiriladi.

Bunda, xizmat haqi to'lovlarini to'lash uchun davlat byudjetidan yuborilgan mablag'lar Davlat aktivlarini boshqarish, transformatsiya va xususiylashtirish jamg'armasida 90 kundan ortiq turib qolgan taqdirda, ushbu mablag'lar to'laligicha davlat byudjetiga qaytarilishi lozim.”;

uchinchi xatboshidan “va davlatning vakillari” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

15) 13-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari hamda 14-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridagi “eng kam ish haqining” degan so'zlar “mehnatga haq to'lashning eng kam miqdorining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 1-ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish
bo'yicha ishonchli boshqaruvchilarning xizmat
haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi
to'g'risidagi nizomga
1-ILOVA”;

17) 2-ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish
bo'yicha ishonchli boshqaruvchilarning xizmat
haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi
to'g'risidagi nizomga
2-ILOVA”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

728 Oliy va o‘rta maxsus, professional ta’lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2431-5*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 13-sentabrdagi 578-son “Oliy ta’lim tashkilotlariga o‘qishga qabul qilish jarayonlarini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2012-yil 28-dekabrdagi 508-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2431, 2013-yil 26-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 9-son, 120-modda) bilan tasdiqlangan Oliy va o‘rta maxsus, professional ta’lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 11-noyabr,
443-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-noyabrda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining
2025-yil 11-noyabrda 443-son buyrug'iga
ILOVA

**Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida
o'qitishning to'lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag'larni
taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 18-banddagi va 27-bandning ikkinchi xatboshisidagi “oshirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar “qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 20-banddagi “50” raqami “25” raqami bilan almashtirilsin.

3. 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Kontrakt asosida o'qitish uchun to'lov o'quv yilining quyidagi muddatlarida:

belgilangan to'lov miqdorining kamida 25 foizi — talabalikka tavsiya etilgan abituriyentlar uchun 15-sentabrgacha hamda ikkinchi va undan yuqori bosqich talabalar uchun 1-oktabrgacha yoki oliy ta'lim tashkiloti rektori (direktori) tomonidan uzaytiriladigan muddatgacha;

belgilangan to'lov miqdorining kamida 50 foizi 1-yanvargacha, 75 foizi 1-martgacha va 100 foizi 1-maygacha yoki oliy ta'lim tashkiloti rektori (direktori) tomonidan uzaytiriladigan muddatgacha amalga oshiriladi.

Bunda, Davlat komissiyasi tomonidan mazkur bandda nazarda tutilgan to'lovlarni amalga oshirish muddatlari uzaytirilishi mumkin.

Qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt asosida o'qish istagini bildirgan abituriyent Davlat komissiyasi tomonidan belgilangan muddatlarda to'lov-kontrakt shartlarining birinchi o'quv yili uchun kamida 50 foizini bajargandan so'ng oliy ta'lim tashkiloti rektori (direktori)ning buyrug'i bilan o'qishga qabul qilinadi.”.

4. 24-bandning uchinchi xatboshisidagi “Oshirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar “Qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 28-bandning yettinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt asosida talabalikka qabul qilinganlar birinchi kursda talabalar safidan chetlashtirilganda qaytariladigan to'lov miqdori o'quv yilining oxiriga qadar qolgan oylar sonini tegishli o'quv yiliga tasdiqlangan o'qitishning qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt miqdorining o'n ikkidan bir qismiga ko'paytirish orqali aniqlanadi va kontraktning tegishli tarafi yozma murojaatiga ko'ra qaytarib beriladi.”.

6. 34-bandda:

birinchi xatboshidagi “oshirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar “qo'shimcha va tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'ninchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“xorijiy oliy ta’lim tashkilotlarida istiqbolli yosh pedagog va ilmiy kadrlarni malakasini oshirish va stajirovka o’tashlariga;”;

o’n uchinchi xatboshidagi “eng kam ish haqining” degan so’zlar “mehnatga haq to’lashning eng kam miqdorining” degan so’zlar bilan almashtirilsin.

7. 50-bandning o’n birinchi xatboshisidagi “eng kam ish haqining” degan so’zlar “mehnatga haq to’lashning eng kam miqdorining” degan so’zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

729 O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi
tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-
huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3709*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "O'zbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi bo'lmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazish to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 14-noyabr,
27/10-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
14-noyabrdagi 27/10-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi tomonidan
qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 25-maydagi 12/1-son qarori (ro'yxat raqami 3252, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3252/1098-son) bilan tasdiqlangan Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to'g'risidagi nizomda:

- 1) 107-bandning 10-kichik bandidan "doimiy" degan so'z chiqarib tashlansin;
- 2) 6-ilovaning matnidagi "Propiska joyi (hujjatlarga muvofiq yashash joyi)" va "Yashash joyi (amaldagi yashash joyi)" degan so'zlar tegishli ravishda "Yashash joyi" hamda "Turgan joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;
- 3) 11-ilovaning matnidagi "Amaldagi yashash joyi" va "Doimiy yashash joyi" degan so'zlar tegishli ravishda "Turgan joyi" hamda "Yashash joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 6-sentabrdagi 20/5-son qarori (ro'yxat raqami 3322, 2021-yil 30-sentabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 30.09.2021-y., 10/21/3322/0923-son) bilan tasdiqlangan Mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 7-bandi "b" kichik bandi oltinchi xatboshisidagi "doimiy yoki vaqtincha yashash joyi" degan so'zlar "yashash joyi yoki turgan joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2022-yil 30-dekabrdagi 30/26-son qarori (ro'yxat raqami 3423, 2023-yil 7-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.03.2023-y., 10/23/3423/0129-son) bilan tasdiqlangan Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomda:

- 1) 16-bandning 2-kichik bandi uchinchi va oltinchi xatboshilaridan "doimiy" degan so'z chiqarib tashlansin;
- 2) 2a va 3-ilovalarning matnidagi "Ro'yxatdan o'tgan joyi (hujjatlarga muvofiq yashash joyi)" va "Yashash joyi (amaldagi yashash joyi)" degan so'zlar tegishli ravishda "Yashash joyi" hamda "Turgan joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;
- 3) 8¹-ilovaning matnidagi "Doimiy yashash joyi" degan so'zlar "Yashash joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG'I

730 O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining ixtisoslashtirilgan maktab-internatiga o'quvchilarni o'qishga qabul qilish uchun tanlovlar o'tkazish va ularning hujjatlarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3089-2*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 23-martdagi PF-6191-son "Aholi va tadbirkorlik subyektlariga davlat xizmatlaridan foydalanishda yanada qulay sharoitlar yaratish, bu borada byurokratik to'siqlarni qisqartirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi, 2021-yil 26-martdagi PF-6196-son "Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 20-oktabrdagi 286-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3089, 2018-yil 22-noyabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.11.2018-y., 10/18/3089/2222-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining ixtisoslashtirilgan maktab internatiga o'quvchilarni o'qishga qabul qilish uchun tanlovlar o'tkazish va ularning hujjatlarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-noyabr,
652-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
ichki ishlar vazirining 2025-yil 15-noyabrda
652-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining
ixtisoslashtirilgan maktab-internatiga o'quvchilarni o'qishga
qabul qilish uchun tanlovlar o'tkazish va ularning hujjatlarini
rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 5-bandning birinchi xatboshisi va 36-banddagi “kadrlar bosh boshqarmasi boshlig'i” degan so'zlar “Ma'naviy-ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan ta'minlash departamenti boshlig'i” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 6-banddagi “Toshkent shahar ichki ishlar bosh boshqarmasi” degan so'zlar “Toshkent shahar va Toshkent viloyati ichki ishlar bosh boshqarmalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 7-banddagi “Kadrlar bilan ishlash boshqarmasi (bo'limi)” va “O'z xavfsizligi” degan so'zlar tegishli ravishda “Ma'naviy-ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan ta'minlash xizmati” va “Shaxsiy xavfsizlik” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Farzandlari maktab-internatga o'qishga kirish istagida bo'lgan ota-onalar yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar hamda xodimlar mazkur Nizomning 10-bandidagi ariza yoki bildirgi bilan birga nomzod to'g'risidagi ma'lumotlar anketasini hamda elektron shaklda nomzodning rangli fotosuratini taqdim etadi.

Nomzodning ota-onasi yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslardan mazkur bandda nazarda tutilmagan hujjatlarni talab qilish taqiqlanadi.

Bunda, ishchi guruh tomonidan mazkur bandda nazarda tutilmagan hujjatlar tegishli davlat organlari va tashkilotlaridan mustaqil ravishda, shu jumladan “Elektron hukumat” tizimi idoralararo integratsiyalashuv platformasi orqali so'rab olish orqali aniqlanadi.”.

5. 15-bandning uchinchi xatboshisidagi “ichki ishlar boshqarmalarining kadrlar bilan ishlash boshqarmasi (bo'limi)” degan so'zlar “ichki ishlar boshqarmalari Ma'naviy-ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan ta'minlash xizmati boshlig'ining o'rinbosari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 37-banddagi “Kadrlar bosh boshqarmasi” degan so'zlar “Ma'naviy-ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan ta'minlash departamenti” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 4-noyabrdagi 507-son, Soliq qo'mitasining 2025-yil 22-oktabrdagi 2025-23-son, Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 29-oktabrdagi 364-B-1-son "Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 17-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3577-1.

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 7-noyabrdagi 30/1-son "Banklarning depozit (omonat) sertifikatlarini chiqarish va muomalada bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 19-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1859-6.

3. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 2-son "Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3706.

4. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 21-noyabrdagi 25-mh-son "Davlat xizmatlari yagona reyestrini yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3707.

5. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 3-noyabrdagi 15-son "Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida retsipiyent hamda tirik donorni transplantatsiya amaliyotiga tayyorlash va ularning amaliyotdan keyingi rehabilitatsiyasi va kuzatuvda bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3708.

6. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 7-noyabrdagi 301-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2025-yil 30-oktabrdagi 01/09-2-14/48-son "Davlat ulushlarini ishonchli boshqarish

va aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarishda ishtirok etish maxsus huquqi (“oltin aksiya”) bo'yicha davlat vakillarining xizmat haqi to'lovlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi qarori.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2263-3.

7. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 11-noyabrdagi 443-son “Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag'larni taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2431-5.

8. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-noyabrdagi 27/10-son “O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3709.

9. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 15-noyabrdagi 652-son “O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining ixtisoslashtirilgan maktab-internatiga o'quvchilarni o'qishga qabul qilish uchun tanlovlar o'tkazish va ularning hujjatlarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i.

2025-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3089-2.

